



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 10-avgust • №32 (4171)

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАНИ

Бурунги замонларда ўзбек йигитлари саман, жийрон, тўриқ от миниб юришар, келинни отда ёки от-аравада тушириб келишарди. Ҳозирги ўзбек йигитлари "Nexia", "Matiz", "Spark" миниб юришибди. Келинни ўзимизда ишлаб чиқарилган "Lacetti", "Cobolt" ва "Malibu" автомобилларида олиб келишади. "Ўткан кунлар"даги Отабек Кумушнинг дийдорига етиш учун Тошкентдан Марғилонгача отда уч-тўрт кун юрган бўлса, бугунги одамлар обу ҳаво қандай бўлишига қарамасдан "Captive"

ва "Erica" машиналарида уч-тўрт соат ичида довондан ошиб водийга етиб боришмоқда.

Бир замонлар Ўзбекистон жаҳонга Қорабайир зотли отлари билан донг таратган бўлса, бугун мустақил юртимизда ишлаб чиқарилган "Lacetti" каби автомобиллар олам аҳлининг ҳавасини келтирмоқда. Бу — мустақиллик шарофати, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти сафига замонавий "тулпорлар" да мағрур кириб бораётгани тимсоли!

## ҚОРАБАЙИРДАН "LACETTI"ГАЧА

Қамчиқ довонидан кумуш рангли "Nexia" баландликка қушдек учиб борапти. Ён-веримиздан, асосан, Асакадаги "GM — Ўзбекистон" ёпиқ акциядорлик жамияти — автомобил заводидан ишлаб чиқарилган ранг-баранг тусдаги "Damas", "Matiz", "Lacetti"... автомобиллари зув-зув ўтади. Икки қаватли юк машиналари ҳали мойи артилмаган, ўриндиқлари елим либосли яп-янги автомобилларни ортиб карвондек кетма-кет қай бир шаҳардаги қай бир автосалонга равона бўлаётди.

— "Matiz"ни! Ўзимизча биттадан автомобилни бўлиб оламиз. Бугун бу орзу-ният бемалол ушалиши мумкин. Машина олмоқчимиз

ҳадемай сўлим водийга киримиз. Қизиқ, Отабек Кумушнинг васлига интилганида бу довондан от билан неча кунда ўтган экан?

### Ўзувчилар уюшмаси айланмаси билан

сиз? Марҳамат, шахрингиздаги исталган автосалонга мурожаат қилсангиз, бас! Навбатга туриб, машина олаверасиз.

Андижондан Асакага узоқ эмас. Тепаси тақир адирлар, этаклари ям-яшил. Водий халқи миришкор, деҳқончиликни, экин-текин қилишни, боғ яратишни яхши кўради.

Тоғ манзаралари кўзни қувонтиради. Янгигина асфальтланган йўл худди қора тасмадек силлик. Бунёдкор қурувчиларимиз чўққилари осмонпар улкан тоғ бағрини тешиб, Фарҳодона меҳнат билан яратган тунеллардан ўтиб,

— Бу Асака туманига қарашли "Файзобод" маҳалласи, — дейди ҳамроҳим — Ўзувчилар уюшмаси Андижон вилояти

бўлими раҳбари Хуршида Кўчқорова. — Завод ишчилари, асакалик ёшлар учун замонавий типда янги уй-жойлар барпо этилмоқда. Заводга чет эллик меҳмонлар тез-тез ташриф буюриб туради. Йўлни, маҳаллаларни Европа шаҳарларидек обод қилиш кўзда тутилган.

Асака шахрида автомобил ишлаб чиқарувчи заводга қайрилишдаги катта кўчада ёллари шамолда ҳилпираб гижинглаб елаётган тойчоққа ҳайкал қўйилган. Бир ёқлама қатновга мўлжалланган икки қатор текис йўл ёқаларидаги ям-яшил арчалар, кўркам даратхлар баҳри дилингни очади. Гўё заводга эмас, дам олиш масканига бораётгандек бўласиз.

Давоми иккинчи саҳифада.



Бурхон Ризоқулов олган сурат.

## "СЕНИ КЎЙЛАЙМАН, ВАТАНИ!"

Истиклол ижод аҳлига сўз эркинлигини, Ватанини қўйлаш санодини ато этди. Ушбу имкониятлар адабиёт соҳасида ҳам ўз самарасини бераётди. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги тантаналари тобора яқинлашиб келаётган айни кунларда юракларда жўш урган Ватанга муҳаббат туйғулари шеър ушқиларга айланмоқда. Жўшқин туйғу эгалари бўлган ёш ижодкорларнинг овозлари, айниқса, Зулфия номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлган шoirларнинг шеърлари баралла янграмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз овозига эга, бирок барчаси бир катта боғнинг — Ўзбекистондай гулшанининг хушнаво булбулларидир.

Ўзувчилар уюшмасида Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари иштирокида бўлиб ўтган "Сени кўйлайман, Ватан!" мавзусидаги мушоирани очётди Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи Абдулла Орипов Зулфия қизларининг ҳаёт ва ижодига ютуқларини алоҳида таъкидлади: "Дунёнинг бирор мамлакатиде юртимиздагидек

ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларни рағбатлантиришга бу даражада эътибор қаратилгани йўқ, бундай мамлакат жаҳонда борлигини ҳам билмайман. Бугун Ватанимиз юксак мукофотига сазовор бўлган қизларнинг кейинги ижоди ва фаолияти

шу жумладан, улардан 42 нафар ёш шoirлар адабиёт йўналишида Зулфия номидаги давлат мукофотига муносиб кўрилди. Бугун ана шу қизларнинг мушоиранинг вакиллари она-Ватан мадҳ этилган шеърларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдалар.

### Ўзувчилар уюшмасида

Республика Нуроний жамғармаси раиси Эркин Боқибоев ва бошқа ижодкорлар мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга ва рағбатлантиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида сўзлаб, ёш ижодкорларга муваффақият тилади.

Тадбирда адабиёт йўналишидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган бир гуруҳ шoir-қизлар Она-Ватанга муҳаббат ва истиклол руҳидаги шеърларидан ўқиб бердилар. Уларнинг инглиз, хитой, япон ва рус тилларига таржима қилинган шеърлари ҳам янгради.

Мушоирада шoir-ўзувчилар, жамоатчилик вакиллари, журналистлар ва ёш ижодкорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши вазирлигининг 2012 йил биринчи ярим йиллиги бўйича фаолияти яқунларига бағишланди. Ўтган даврда асосий эътибор жойлардаги маданият ва спорт йўналишларини ривожлантиришга қаратилган дастур ва режаларни амалга ошириш, соҳага доир қарор ва фармойишлар ижросини таъминлаш, ижро интизомини

ишироқ этиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. Мутахассислар эътирофига кўра, театр режиссёрларининг "Дебют" республика кўрик-танлови юқори савияси билан моҳир режиссёрлар сафига келиб қўшилаётган муносиб издошлар, янги истеъдодларни намоеън этиш имконини берди.

Мамлакатимизда театр ва концерт залларини реконструкция қилиш ва янгилари

Мазкур ойдаги энг муҳим воқеалардан бири халқимизнинг улуг байрами — мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган тадбирларни ҳамма жойда пухта тарадуд билан намунали ташкил этиш ва ўтказишдан иборат. Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, байрам тадбирларини юксак савияда ўтказиш учун барча чора-тадбирлар қўрилиши, имкониятлар сафарбар этилиши лозим. Шу билан бирга яна бир муҳим сана — мустақиллигимиз ва озодлигимиз кафолати бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига ҳам ҳозирдан тарадуд кўрмоқ керак. Шу мақсадда аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳайъат йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида "Мустаҳкам оила йили" дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, музейлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган бошқа иншоотларнинг аҳоли ҳамда кутубхоналар иштини яхшилаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Маданият, санъат ва спорт муассасаларида йилнинг биринчи ярми учун вазирлик томонидан қабул қилинган қарорларнинг қандай бажарилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг мутасадди раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этиш топширилди. Ҳайъат йиғилишида кун тартибидagi бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Борис БОБОЕВ

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

ни мустаҳкамлашга қаратилди. Ҳозир бирор кун ё ҳафта йўқки, пойтахт ёки мамлакатнинг бошқа шаҳар ва туманларида фестивал ва танловлар, концертлар ва янги томошаларнинг тақдими йўналишга қаратилган бўлган. Турли ансамбллар, халқ ҳаваскорлик жамоаларининг дастурлари тобора қизиқарли ва сермазмун бўлиб бормоқда. Театрларнинг бадиий жамоалари ҳам санъат муҳлисларига янги асарлар тўхта эштимоқда.

Утган даврда мусиқа жамоалари ишида кўпгина янгилликлар рўй берди. Яқиндагина Ўзбекистон давлат консерваториясида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб вазирлик тизими бўйича ватанпарварлик кўшиқларининг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови яқунловчи босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг саралаш босқичларида мамлакатнинг барча ҳудудларидан мингдан зиёд истеъдодлар

ни қуриш ишлари ҳам муайян режа асосида олиб борилмоқда. Амалий санъат музейида бўлиб ўтган ҳаваскор ижрочиларнинг "Чанқовуз садолари" мусиқа фестивали, миллий гиламдўзлик тарихига бағишланган анжуманлар катта қизиқиш уйғотди. Бундай мисоллар жуда кўп. Оммавий спортни ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Турли ёш ва турли касбдаги кишилар йирик мусобақа ва турнирларнинг иштирокчиларига айланмоқда. Шу кунларда барчамиз Лондонда бўлиб ўтаётган олимпиада ареналаридаги кизгин курашларни кузатиб бормоқдамиз. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Турсунали Қўзиев амалга оширилган ишлар самараси ҳақида фикр юритиб, ҳайъат йиғилиши иштирокчилари эътиборини соҳадаги нуқсонлар ва камчиликларга, уларни бартараф этиш масалаларига қаратди.

## "ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИ!"

Энг яхши кўшиқлар Ватан ҳақида яратилади, деб бежиз айтмаган. Инсон учун Ватандан азиз, тугрилиб-ўсган макондан муқаддас гўша йўқ. Она Ватанини ҳар қанча тўлиб-тошиб кўйласанг, ғазаллар битсанг ҳам оз.

қаддас Ватан" танловининг республика саралаш босқичи Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кўриқ нафар хонанда қатнашди. Хонандаларнинг чиқишлари кўшиқ матни ҳамда мусиқасининг савия-

си, ижро маҳорати, танланган лирика саралаш босқичи Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кўриқ нафар хонанда қатнашди. Хонандаларнинг чиқишлари кўшиқ матни ҳамда мусиқасининг савия-

### Таъбир

Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳкор барлигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра биринчи ўрин "Ўзбекистоним" кўшиғи учун хонанда Наримон Мирзабоев (Фарғона вилояти) ҳамда "Туғилган ер" кўшиғи учун "Квартет" гуруҳига (Қорақалпоғистон) берилди.

Иккинчи ўрин тошкентлик Шерзод Ортиқов ("Ватан мадҳи" кўшиғи) ва сирдарёлик Умида Ҳамидова ("Хумо" кўшиғи) насиб этди.

Давоми бешинчи саҳифада.



Президентимиз қарорига асосан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови бунинг яққол далилидир. Бу йил ҳам мазкур танлов республикаимизнинг туман, шаҳар ва вилоятларида кўтарилиб бормоқда. Шу кунларда турли вазирлик ва бирлашмалар тизимларида республика саралаш босқичи бўлиб ўтаётди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида "Ягонасан, му-

## УЙИНГИЗ НУРГА ТЎЛДИН

Янги мавзенинг очилиши байрамимиз байрам бўлди. "Олтин соҳил" истироҳат боғига тумонат одам... Ҳамма ясанган. Мен ҳам уччала келишимни олиб гашт билан айландим. Тошкентдан, вилоятдан таниқли

### Ифтихор

олардим-да, — келиним Мафтунахон қувончи ичига сиғмай гапирди. — Узиям каттақон ошхонамизу меҳмонхона, болалар, катталар хоналарининг ҳар бирига алоҳида лол қолишадими.

Она сифатида, аёл сифатида қулайликлардан, аёл учун яратилган шароитлардан фохрлишим келишим ҳам аллақачон юқанидан қувонаман.

Бундан бир неча йиллар аввал биздан икки-уч уй наридаги фермер Асалхон Расулованинг янги уйига Президентимиз Ислам Каримов ташриф буюрган эди. Ушанда Юртбошимиз бу уйлар маъқуллигини айтгани ҳолда, кейингиларини олти сотихдан ҳовли ажратиб,

автомобил учун гаражлар ҳам қўшиб қуришни таклиф қилган экан. Ўғлининг уйи шу таклиф асосида янаям қулай, янаям шинам қилиб қурилганларидан бири.

Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи ва табиий иқлим шароитига мос, шу билан бирга замонавий қулайликлар билан уйғун, баҳаво, ёруғ, кенг қилиб барпо этилган намунавий уйларда ҳамма шароит муҳайи. Ошхона, меҳмонхона, болалар хонаси, иссиқ-совуқ сув, ҳатто дезазаларнинг иқлимга мослаштирилгани — барча-барчаси ҳисобга олинган.

Намунавий уй эгалари ҳам ўз хондонлари янада фазли, обод бўлиши учун турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиб, гуллар экишяпти. Уларнинг ғайрату шижоатидан билиш мумкин: пойдевори мустаҳкам бу уйлар бир неча авлодга хизмат қилади, болаларининг болаларида ҳам иморат ташвиши бўлмайди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Бошланги биринчи саҳифада.

Завод дарвозасига киришингиз билан кўрак чўнтагига "GM — Ўзбекистон" деб ёзилган кўрак коржомга кийган ишчиларга дуч келасиз. Раҳбарлар ҳам, ишчилар ҳам — ҳамма шу кийимда. Завод худди қасрларга ўхшаган бир неча улкан биноларда иш юритади. Маъмурий бино, ишлаб чиқариш бинолари, преслаш, бўяш, йиғиш цехлари... Шўро даврида заводда ҳамма ёқни қоракуя, курум, чанг ва темир кукунлари босган бўларди. Асака заводи худуди ерга ёғ тушса ялағудек тоза, озида, саришта. Бу ерда иш қизгин, бироқ тозаликка, тартиб-интизомга катта эътибор бериларкан.

Завод фаолияти билан яқиндан таънаштириш учун бизга оққувдан келган, узун бўйли, чайир, юз-кўзлари самийми, қирқ ёшлардаги Алберт Тошматов деган йигит ҳамроҳлик қилди. У ишлаб чиқариш бўлими таъмирлаш ва бутлаш цехи бошлиғи экан.

— 1993 йилда Андижон авиация техникумини битирганидан сўнг Асака заводини танлов асосида ишга қабул қилинганман. Ушбу автомобил заводи Президентимиз ташаббуси билан Мустақилликнинг илк йилларида барпо этилди. Давлатимиз раҳбари бошлаган бу эзгу ишнинг қандай амалга оширилгани жараёнларнинг барчасига гувоҳман. Ушунда иш ўрганиш, малака ошириш ва тахсил олиш учун биз — 145 нафар ёш йигит Кореяга боргандик. Уч ойдан сўнг қайтиб келиб ҳамма ишни бажардик: пойдевор қўйдик, пайванд қилдик, ёлти тердик, арматура ташидик... Юрагимиздаги орзуимиз гайрат-шижоат бағишлади: "Биз автомобил ишлаб чиқарамиз!"

Бу воқеаларни ҳикоя қилаётгани унинг қўлидан қанча кетар, ўзининг ўша пайтдаги ҳолатини қайтадан ҳис этарди, чамамда.

— Завод худуди 68 гектар майдонни ишғол этган. Унда 105 нафар ишчи ишлайди. Шуларнинг етмиш фоизи ёшлар.

Заводда қолиплаш, пайвандлаш, бўяш, йиғиш цехлари ишлаб турибди. "Damas", "Nexia", "Matiz", "Lacetti", "Spark", 2009 йилдан "Captive" ва "Erisa" машиналарини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бир кунда 900 дана автомашина жонланиб, тулпордек югуриб чиқиб кетади.

Ишчилар малакасини оширишга катта эътибор қаратилган. Зарур билим ва малакалар иш жойида, ўқув марказида ҳамда ишлаб чиқариш амалиётида ўргатиб борилади. Асака автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи, Турин политехника университетининг Тошкент шаҳри бўлими автомобил

ишлаб чиқариш заводи учун малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган. Цехлар Жанубий Корея, Япония, Франция, Белгия, Германия, Швейцария ва Италиядан келтирилган замонавий автомобилсозлик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Умумий преслаш жараёни тандем ва трансфер пресловчи тизимларидан иборат экан. Тандем преслаш тизимида Кореянинг "Тонг Муонг" компаниясида ишлаб чиқарилган

бўлган автомобилларни текшириш бўлимида двигателнинг ишлаш ҳолатини, тормоз тизимини, электр тизими ва хавфсизлик ёстиқчаларини синаб кўришга мўлжалланган қурilmалар жойлаштирилган. Заводнинг барча тизимлари, барча цехлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тақомиллаштиришга йўналтирилган. Корхона халқаро андозалар бўйича синовдан ўтган. Асакалик автомобилсозлар йтган технологиялар

Америка қўшма корхонасида йилига 200 мингта двигател тайёрлаш кўзда тутилган. Ана шу двигателлар Асака корхонасини ҳам таъминлаб туради. Автомобил юрагини ҳаракатга келтирувчи, электр силмлари жон бағишловчи аккумулятор бамисли миёна ўжшайди. Аккумулятор батареялари Жиззахдаги "Uzixide" заводидан ишлаб чиқарилади. Нерв толалари каби бутун автомобил вужудига тарқалган электр силмлари тармоғи Фаргона ви-

шиналаридан қолишмайдиган чиройли, бақувват, кучли. Олдинги фаралари арслоннинг кўзидек ўткир, катта-катта. Олди бургутнинг тумшугидек буртиб чиққан, қиррадор. Гилдирақлари катта, эшиклари энли, орқа фаралари вертикал жойлашган, салони кенг ва шохона.

2009 йилда матбуотда шундай хабар эълон қилинди: "Chevrolet Spark" янги авлод автомобили тақдироти январа вилло Америка Қўшма Штатларининг Детройт шаҳри автосалонида ўтказиш мўлжалланган эди. Бироқ, "General Motors"нинг қутилмаган совғаси америкаликларни эмас, европалликларни севинтирди. "Spark" тақдироти Женевада бўлиб ўтди. Энди бу замонавий автомобил "Matiz", "Nexia" автомобиллари чиқадиган заводда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади.

Ҳа, жажоннинг кўзини қувонтирадиган, автомобил ишқибозларининг ҳавасини келтирадиган ўзбек автомобили "Chevrolet Spark" машур шаҳарларнинг шох кўчаларида гизиллаб юрибди. Иттифоқо, ёшларга "Қанақа автомобил олишни истайсиз?" — деб савол берсангиз, албатта "Spark" деб жавоб беришди. "Spark"нинг ялт этиб кўзга ташланадиган биринчи жиҳати бу — унинг ташқи кўринишида — дизайнида. "Spark" сўзи "чакмоқ" деган маънони англатади. Ҳақиқатан ҳам, бу автомобиль кузови, олд қапоти бурчаклари чакмоқдек ўткир, машина тумшугида радиаторга ҳаво кирадиган панжарадан то олд ойнагача чўзилган эллипс шаклидаги ўткир учли параллел фаралар кишида самовий таассурот уйғотади. Кометаларга ўхшаб кетади. Машина эшиклари, ён ойналари шакли, орқа томондан кўриниши ҳам гаройиб. Автомобилнинг ўткир қирралари ҳавони тилиб бораётган чакмоқдек барчани ҳайратга солади.

"Spark" салони "Hunday 10" ёхуд "Opel Agila" салонидан қолишмайди. Машина узунлиги "Matiz"га қараганда 145 мм узун, гилдирақлари ораси 35 миллиметрга катталашган. Бунинг эвазига машина салони анча кенгайган.

"Spark" автомобили ичмач бўлган учун шаҳар ичида эркин ва баққон ҳаракат қилади. Шаҳарларо катта йўлларда эса у ҳайдовчининг барча буйруқларига жуда таъсирчан, тез ва аниқ ишлайди. Уни юргизиш осон, рулни бошқариб олиш эса ёқимли. Хуллас, "Chevrolet Spark" — шаҳарларда ҳайдашга мўлжалланган автомобильларни барпо этиш борасидаги аҳолий янгиликдир.

Унда тегилини ва бошқа ўлчовларни кўрсатадиган соатсимон асбоблар (турли приборлар) рул атрофида "мо-тоциклет" услубида жойлаштирилган.

Янги машинада барча эътибор қулайлик, тежамкорлик, фойдалилик ва гўзалликка қаратилган. Унинг ичари-сини ҳам ташқи кўринишига мос ва уйғун. Ёшларимиз футбол жамоаси 2010 йилда Мексикада футбол бўйича 17 ёшлилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ярим финалга чиқиб дунёни лол этганида давлатимиз раҳбари уларнинг ҳар бирига "Spark" автомашинасини совға қилган эди. Бунда дунёга чиқиб ўз маҳоратини кўрсатган йигитлар жаҳонни ҳайратга солган автомобилларни миншига муносиблар деган эзгу ниятни англаган эдик.

Германия футбол жамоасини рамзий маънода "немец машинаси" дейишди. Бу бежиз эмас. Германия — машинани ихтиро қилган мамлакатлардан бири. Бугун ўзбек машинаси ҳам дунёга чиқди. Яқин келажакда бизнинг футбол жамоамиз ҳам "Spark" машинасининг нисбати билан "Ўзбек чакмоғи" дея жаҳонга донг таратса...

\*\*\*

Ўтган асрнинг 80-йилларида талаба бўлиб Тошкентда тахсил олганми. Таътилда кишлоғимизга бориб-келишда транспорт масаласида жуда қийналардик. Айниса, янги йил арафасида ҳафта-ун кун илгари темир-йўл вокзали кассаларидан чипта олиш учун кети кўринмайдиган навбатлар тинкамизни қуритарди. Совуқ киш кунлариде пахтадан қайтганимизда эса шаҳарларо бекатлар жуда тир-банд бўларди. Вагонларнинг юк қўйишга мўлжалланган тоқчаларига ҳам одамлар чиқиб олишарди. Чека қўшилқлардан туман марказига эски русумли кичкина, сариқ "Лазик" ёки шалоги чиққан "Лаз" автобуси қатнардди. Одам гавжум бўлганидан баъзи бекатларда автобус тўхтамай ўтиб кетар, вақтимиз автобус кутиб кўчаларда беҳуда ўтарди.

Ҳозир тезюрар поездлар, замонавий автобуслар эл-юрт хизматида. "Nexia" автомобиллари узоқ манзилларга бир зумда етказилади. Кишлоқларда "Damas" беминнат дастёр. Ҳеч қачон йўлда қолиб қетмайди.

"Уч омил миллатнинг буюк бўлишини ва роҳат-фароғатда яшашини таъминлайди: унумдор ер, самарали ишлаб чиқариш, одамлар ва товарлар ҳаракатининг чакқонлиги", деган экан инглиз файласуфи Фрэнсис Бекон. Бизнинг еримиз унумдор, серҳосил. Мана, истиқлол шарофати билан йирик ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам эга бўлдик. Санатимиз тобора ривожланмоқда. Раён йилларимизда "Чўқур" автомобилларимиз кўз очиб-юмгунча манзилга етказилади. Тезюрар поездларининг шомолдан ҳам ўзаётди. Буюкликнинг ва бахтиёрликнинг омиллари мана шулар эмасми?


Рустам МУСУРМОН

# ҚОРАБАЙИРДАН "LACETTI"ГАЧА

2250 тонналик пресловчи агрегат гувиллаб ишлаб турибди. Преслаш цехида автоматлашган ускуналар ўрнатилган. Сифатли автостал "матодан" автомобилларнинг кузов қисмлари бичилади. Худди қўйлакнинг кўраги, елкаси, ёқаси бичиб олингандек. Кузов қисмларини би-

ни, инновацион ғояларни қўллагани учун халқаро мукофотлар билан тақдирланган.

Ўзбек автомобиллари энг мақбул нарх ва сифати эвазига тез машур бўлиб кетди. Бу муваффақиятларнинг омилли автомобилларнинг жамловчи қисмлари ва деталларини маҳаллий



чишни темир қўлли роботлар ва преслаш ускунаси амалга оширади. Унда "Lacetti", "Spark"нинг кузов қисмлари бирваракайига қолипланади. Бу тизимда олтига робот автоматик тартибда иш бажармоқда. "Spark" русумли автомобилларни пайвандлаш

цехи ҳам замонавий ускуналар билан таъминланган. Матодек бичиб олинган кузов қисмлари сифатини текшириш машинаси назоратдан ўтказгандан сўнг улар чок-чокидан пайвандланади. Тайёр бўлган автомобил "қути"си бўяш цехига узатилади. Бу ерда бўёвчи машиналар жаҳон андозаларига мос равишда жуда сифатли ишлайди. Иш жараёни металнинг автоматик тарзда исталган рангда бўяшга мослаштирилган. Йиғув цехи эса яна бир ўзга олам. Конвейерлар тўхтовсиз ишлаб автомобиль моделига мос қисмларни жой-жойига қўйиб чиқади. Тайёр

корхоналарда ишлаб чиқариш даражасининг тобора ўсиб бораётганидир. Заводда ишлаб чиқарилаётган автомобилга бутун Ўзбекистон корхоналарининг кўпчилиги ўз хиссасини қўшаётди.

Асакалик машинасозлар Юртбошимизнинг бу борадаги кўрсатмаларини доимо эсларида тутишади.

— Давлатимиз раҳбари автомобил ишлаб чиқариш заводининг қурилиши кизгин бораётган бир пайтда Асакага ташриф бурюриб, курувчилар билан чин дилдан суҳбатлашиб: "Корреялик ҳамкорларимиз билан келишувга асосан икки мингичи йилларга бориб автомобилларнинг бутловчи қисмларининг 70-80 фоизини ўзимизда ишлаб чиқарамиз, — дея таъкидлаган эди.

Автобалиннинг юраги — двигател. Тошкент вилоятидаги "General Motors Powertrain Uzbekistan" Ўзбекистон —

лоятида, машинаниннг кўзи деб назарда тутилаётган олд, орқа, ён ойналар ҳам Фарғонадаги "Автоойна"да тайёрланади. Автомобилнинг ички пардоз безаклари, ўриндиклар, қўйлак ранглари вазифасини ўтовчи бўёқлар, локлар, кузов чокларини зичловчи герметик қоринчалар Андижондаги қўшма корхоналарда тайёрланиб Асака заводига пешма-пеш етказиб берилади. Шундай қилиб автомобиллар бутун Ўзбекистон кеҳоди ва тимсоли бўлиб дунёга ижоди.

Заводда ишлаб чиқарилган автомобил Козоғистон, Тожикистон, Озарбойжон, Грузия, Украина, Молдова, Беларусь, Россиянинг деярли барча шаҳарларига экспорт қилинади. Ташқи бозорда 104 шаҳарда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар савдосини ташкил қилувчи икки юзга яқин савдо корхоналари фаолият юритмоқда. "GM — Ўзбекистон" учун Россия Федерациясининг автомобил бозори энг катта экспорт бозори ҳисобланади. Россиядаги асосий молиявий санаот марказларини қамаб олган кенг савдо тармоқларининг қўллиги автомобил сотишларининг юқори даражасини белгилайди. Рақамларга мурожаат қилсак, бу кўрсаткичлар тобора ўсиб бораётганига амин бўлаемиз. 2003 йилда 40505 та автомобиль сотилган бўлса, 2011 йил 222022 дана автомобиль сотилган.

Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма бир йиллигига "GM — Ўзбекистон" ёпиқ акциядорлик жамияти машинасозлари янги тўхфа тайёрламоқда. Тез орада "Cobolt" ва "Malibu" номли янги автомобил моделлари ишлаб чиқарилади. Октябр ойидан бошлаб автомобиль ишқибозлари уларни харид қилишлари мумкин.

Заводда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг синаб кўриш майдонидан эндигина иссиқ тандирдан чиққан нондек бўлиб турган яп-янги "Cobolt" ни кўрдик. Машинасоз усталар гуж бўлиб ҳам ҳайрат, ҳам маъсуллик билан уни ҳар тарафлама текширишмоқда. Оппоқ машина. "Мерседес", "Линкольн", "Форд", "Опел", "Вольво" ма-

ган қайнона, "Уйимизнинг фариси" тасимо саришғаси, гулдасиси", дея эрқалаган қайнота, ўз жигарбандидай тутшиб кетган қайни-бўйнилару қариндошлар ва ниҳоят ўз одоби, назокати, ҳаёси билан кўёв йигитнинг меҳр-муҳаббатини, хурматини қозонган камсухан келин учун бу даргоҳда бундан-да зейда бахт бўлмас керак. Демакки, бундай оилаларда келинлар маликалардек яшашга мурасар, фақат тўқликка шўхлик қилишдан ҳудо асрасин!

Бир кун ишим тушиб савдо дўконига бориб қолувдим. Мато-

ган қайнона, "Уйимизнинг фариси" тасимо саришғаси, гулдасиси", дея эрқалаган қайнота, ўз жигарбандидай тутшиб кетган қайни-бўйнилару қариндошлар ва ниҳоят ўз одоби, назокати, ҳаёси билан кўёв йигитнинг меҳр-муҳаббатини, хурматини қозонган камсухан келин учун бу даргоҳда бундан-да зейда бахт бўлмас керак.

Оилада осоийшталек ва ҳамкорликни мустахкамлашда эр (қувон)нинг макеи фоят салмоқлидир. Шу ўринда мен нафақат кизларни, балки йигитларни ҳам оила қуришга тайёрлаш зарур, деган фикрданман. Йигит кишининг оила қуриши аввало ўзини ва оиласини мустақил идора қилмоқдан ва оилабоши деб ҳис этмоқдан, рафика, фарзандларини қаноти остига олиб эрлик, оталик масъулиятини ўз зиммасига юк-ламоқдан бошлаши лозим. Афсуски, айрим йигитлар оилали бўлмоқни фақат зурриёт орттириш деб тушунади, ўзларининг мустақил яшаш тарзига эга бўлмайди, йиллар давомида ота-она қарамоғида боқиманда бўлиб, уларнинг измидан қичоқмайди.

Ислохотлар натижаси, энг аввало, инсон, айниқса, ёш авлод онги, тафаккури, дунёқарашидаги ўзгаришлар билан белгиланади. Янгиланаётган жамяят йангинача турмуш тарзини, ангина инсоний муносабатларни тақозо этмоқда. Бинобарин, ёш оилалардан келажак бунёдкорлари дунёга келади. Ота-она тарбияси қандай бўлса, болалар уллардан шундай андоза олади. "Олманин талин қилма тушган, ҳеч қачон анор тушмаган", "Қийишқ дарахнинг сояси ҳам қийишқ бўлади", "Қуш усидида кўрганини қилади", "Она сини кўриб қизини ол", каби қатор тушунчалар ҳаётдан олинган ва бундан етарли ҳулосалар чиқарса бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, юксак маънавият — ибратли тарбия манбаи. Оилани асраш — бу инсоний кадр-қимматини, миллий урф-одатларимизни асраш демак. Бунга ота-оналар ҳам, ёшлар ҳам — барчамиз баробар маъсулмиз. Юксак маънавият — турмуш яшаш машъали, унга эргашган инсон ҳеч қачон ўз йўлидан адашмайди!

Юртлар ичра ҳавасли дийёр,  
Ширин ҳаёт нафали дийёр,  
Меҳр-муҳаббат, соғлом дил ила  
Бахтли бўлсин ҳар бир оила!

Гулчехра ЖўРАЕВА

# УЙИНГИЗ НУРГА ТЎДСИН

Бошланги биринчи саҳифада.

Мен бугун кундан-кунга чирой очиб бораётган кишлоғимизга боқиб, бир вақтлардаги гувалак деворли, ҳеч бир шаршароити бўлмаган уйлар, ёгин-сочинда оёқ босишга журъат етмайдиган кўчалар ёшларимиз учун эртақдай гап бўлиб қолган-гана ишонаман.

Кун икчи Олтинқўл тумани марказидаги йўлнинг ҳар икчи тарафини қўшқаватли иморатлар билан бегаган намунавий маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчилигини очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу таъдбир кескаю ёшга бирдек кўтаринки кайфият, шоду ҳурамлиқ бахш

тандаги кичик Ватан — оиланин мустахкамлиги, фаровонлиги-га эришиш ҳукуматимизнинг бош мақсади бўлиб турибди. Авлодлар давомийлиги, ҳаёт абидийлиги рамзи, урф-одатларимиз шаклланадиган ва уларни сайқаллайдиган муқаддас даргоҳ бўлиши оила маънавиятининг бешиги, таълим-тарбиянинг бошланги нуқтаси бўлиш билан бирга, жамиятнинг энг асосий бўғини ҳамдир. Шундай экан, жамиятда, ҳаётда руй бераётган ҳар қандай ҳодиса ва ўзгаришлар оилада ҳам ўз аксини топмай қолмайди. Ёки аксинча, оила ҳаётида руй берган энг кичик ҳодиса ҳам жамиятга бевосита ўз таъсирини ўткази-

маркетинг соҳасини билган иқтисодчи ўғиллар учун бу иш унчалик қийин кечмади. Тикувчиликка меҳр қўйган қизи Машхура уйнинг иккинчи қаватида тикувчилик ательеси ташкил қилиб, ҳам ёшларга чеварлик сирларини ўргатапти, ҳам буюртмага либослар тикиб элга хизмат қилапти. Ўз устида изла-наётган Машхура яқинда хориж-га бориб малака ошириб қайтди. Ҳа, Бахтиёржон, Баҳоидиржон ва Машхура каби ёшлардан кўп нарсани умид қилса бўлади.

Укамниқига борганда оила аъзоларининг энг юқори қаватда, замонавий қулайликларга эга хоналарда яшаётганини кўриб, беихтиёр кўнглимда бир армон ўтади: "Қани энди раҳматли дадам ва онам шу уйнинг тўрида ўтирганида..." Очинги, оддий сартарош устанинг фарзанди набиралари яшаб, ишлаётган мана бу уйлар, бир пайтлар "эски шаҳар" номи билан аталган мана бу кўчалар кўркамлик бобида бугун дунёнинг манаман деган шаҳридаги уй ва кўчалардан сира қолишмайди.

Бизда кўп ҳолларда "уй" ва "оила" сўзлари бир хил маънода қўлланади. Донишмандлардан бири "Ўз уйда бахтли бўлган инсонгина чинакам бахтиёрдир" деганда ҳам оиладаги тотувликни, меҳр-оқибатни назарда тутди. Уй — орзу-умидлар туғиладиган гўша, кишиларнинг эзгу мақсадлар сари ундовчи маскан. У кўзга каби турмуш тарзимизни, маънавиятимизни ўзида акс эттириб туради.

Мен аёл, она, қолаверса, бир қаламқаш сифатида юртимизда ёш оилаларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан жуда қувонаман. Намунавий лойиха асосида уйлар қурилиб, имтиёзли кредитлар бериллаётгани ва ёш оилаларнинг бу уйларга кўчиб кириб яшаётганини ўйласам... Мустақиллик кўзимга янаям улгуроқ, азизроқ кўринади. Азизлар, уларнингиз нурга тўлсин, дегим келади.

Замира РЎЗИЕВА

"Барчамизга аёни, оналарни, аёл зотини эъвозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бу ҳақда сўз юритар аканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алшар Навоийнинг "Аёллар — фаршталарнинг опа-сингилларидир", деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётий фалсафа муржасам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман". Юртбошимизнинг умид ва ишонч билан айтган бу сўзлари ҳар бир аёл учун олий шараф баробарида унинг зиммасига беҳад масъулият юклайди. Юксак маънавият пайдоборидан ўсиб чиқаётган умуминсоний мукаммаллик, тарбия, оқиб, билим, қалб беғуборлиги, хурмат, оилапарварлик, болажонлик, меҳр-муҳаббат — барча туйғулар уйғуллашган ҳолда фаршталарга опа-сингиллик даъвосини қилсак ярашади.

# ИБРАТЛИ ТАРБИЯ МАНБАИ

Менин келинлик даврим ўтган асрнинг олтинчи йилларига тўғри келган. У замонда келинлик хизмати анча-мунча огирроқ кечарди. Чунки хонадонларга ҳали газ келмаган, қозон — ўчоқда, чой — самоварда қайнатилар, қишда уйлар темир печаларда тошқўмир билан иситиларди. Биз — келинлар барча юмушларни қўлда бажарардик, кир машинаю чангютичлар қарқанда дейсиз. Қайнонам раҳматли Манзура ойи ишларимиздан ўз мамнуликларини билдириб: "Ойинг ўргилсин, бўйларингга қоқиндик бўлай, болам", дея эрқалаб кўярдилар. Бир гапларини икки қилмасдан "оёғимизни қўлга олиб", югурганча ўз вазифамизни адо этардик. Бунинг устига чақалоқларни бешиқда боқиб эскилик деб қаралган, памперс деган матоҳ йўқ. Орада ишхонамизга ҳам бориб, уй-рўзгор ҳўжалиғига моддий жиҳатдан ёрдамимизни аямасдик.

Муқаддас, мўътабар оналар қимлар ўзи? Улар ҳаётини, меҳр дарёсини, заҳматли меҳнатини фарзандлари бахтига бағишлаган фидойи инсонлардир. Қайнонам ана шундай аёллардан бири эдилар (жойлари жаннатда бўлсин). Менга ҳам бир кун қайноналик на-сиб этса, уларга ўхшаган бўламан, дея орзу қилардим...

Эндиликда замон ўзгарди. Юртимизда мустақиллик қарор топгандан сўнг 20 йил ичида ақл бовар қилмас юксалишларга эришдик. 1998 — Оила йили, 1999 — Аёллар йили, 2000 — Со-

ғлом авлод йили, 2001 — Оналар ва болалар йили, яна Барқалом авлод йилларининг барча дастурларидеги режалар хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг самараси ўлароқ турмушимиз даражасининг нақадар кўтарилганини амалда кўриб турибмиз. Бу эса хотин-қизларнинг ҳалқ ҳўжалиғида, маданият ва маорифда, санъат ва спортда, тиббиётда қўлга қиритаётган зафарларини таъминламоқда.

2012 йилининг юртимизда "Мустахкам оила йили" деб эълон қилинмиши эса "Оила мустахкам бўлса, жамият ҳам мустахкам" деган тамойил тараққийтига яна бир босқич бўлди.

Давлатимизнинг ҳар бир оила учун бекиёс гамҳўрликларни ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Бинобарин, ёшларнинг бахтиёр оила қуришлари учун барча шароитлар яратилди. Оғир қўл меҳнатини энгил қиладиган техника, тагин қанчадан-қанча замонавий қулайликлар мажбур, Оллоҳга шўқрлар бўлсинки, ҳалол меҳнати эвазига оилалар тўқ, тўйлар, оддий туғилган кунлар, тадбирлар ҳам тўкинликда ўтказилмоқда.

"Қариси бор уйнинг париси бор", дейдилар. Янги хонадонга тушган оймақол, поқдоним, ширинсухан, меҳнатсевар, оқила, вазимин, доно келинчакни кўрган-да "Тасаддуқинг кетай, айланай, қизимдан", дея иссиқ оғушига ол-

ларни кўздан кечириб турувдим-ки, ҳамаси 19-20 яшар икки келинчак-дугоналар кириб келишди. "Ўқишларинг анча эрта тугаган эди-ку, уйингга бормадинг-ми?" деди шериги. "Нима қиламан жонимни қойибти, атайлаб уйга кеч бораман, қайнонам ун-гача овқатни ўзлари бошлаб қўядилар, ўқишимни баҳона қиламан-да", дея жавоб берди у.

Бу гапни эшитиб вужудим титраб кетди. Не-не умидлар билан келин туширган қайнона кексалик гаштини суриш ўрнига ҳалигача қозон қавлаб ўтирсаю, дўконма-дўкон юриб оқшом чоғида "Овқат борми", дея уйга кириб келган "келин"нинг томоғидан тайёр таом қандоқ ўтаркин?..

Кўшим келин туширмақчи бўлди. Тез орада бўлажак келиннинг пазандаликка қувви йўқлигини билиб, тўйни бир муддат тўхта-тиб қўйди ва қизнинг уч ойлик пазандалик мактабиде ўқиб чиқишини кутди. Қиз узатмоқчи бўлган она ўз фарзандининг бахтли бўлишини истаган экан, уни ҳар қандай шароитда ва ҳамма жиҳатдан турмушга тайёрлаш, уй тутуш, рўзгор қилишнинг энг оддий қоидаларини ўргатиши лозим, деб ўйлайман. Қарияларни ва эр уларларнинг хурматини жойига қўйиб, ширинзабонлик билан одоб юзасидан "салом"ларини қанда қилмасдик, эрта уйғонош, саранжомлик — энг оддий ҳақиқатлар бу.



этиб, ҳақиқий байрамга айлан-ди. Аҳамиятли жиҳати, турли манбалар ва банк кредитлари ҳисобидан тўрт ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб қад ростлаган биргина шу мавзенин ўзида, бир кунда 30 га яқин савдо, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари иш бошлади. Демак, янги мавзе кўркамликда кўзларни қувонтириш билан бирга, олтин-қўлиларнинг яхши яшаш ва даромад топишини ҳам таъмин-лайди.

2012 йилимизнинг "Муста

Ўзбек адабиётининг бобокалони Мир Алишер Навоий форс тилида ҳам сўз кадрини балад кўтарган мумтоз санъаткордир. Унинг форсий қасдалари, газал, рубоий ва марсиалари нафақат бадий сўз усталари, шоиру фозиллар, балки форсийзабон эллар орасида ҳам шухрат қозонди. Навоий бу шеърларни «Девони Фоний» номи билан алоҳида китоб қилган. Шоир «Девони Фоний»га кирган фохрия-қитъаларидан бирида ўзбек ва форс тилидаги асарлари ҳақида фахр билан шундай ёзади:

Маъни ширину рунгим ба турки беҳадест,  
Форси ҳам лаълу дурҳон самин гар бингари.

(Яъни туркий тилда латиф ва ранг-баранг сўзларим ҳад-ҳисобсиздир. Эътибор қилсанг, форсий сўзларим ҳам лаъл ва қимматбах марваридлардир.)

Маълумки, «Девони Фоний» 1495 — 1500 йилларда тартиб берилган. Девон 552 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия-таркибанд, 64 қитъа, 72 рубоий, 16 таърих, 9 луғз, 266 муаммадан таркиб топган.

Алишер Навоийнинг форсий мероси Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий, Ғиёсидин Хондамир, Абдуллоҳ Хотийфий, Камолиддин Биноий каби машҳур замондошлари томонидан юксак баҳоланган.

XV аср таърихнавислик тарихидан чуқур хабардор Фитрат Навоийнинг форсий меросига Давлатшоҳ Самарқандий («Таърихат ушшуро»), Абдурахмон Жомий («Навоҳат ул-унс»), Сом Мирзо («Тухфат Соми»), Ризо Кулихон Ҳидоят («Маъжа ул-фусаҳ»), Хусайн Воиз Кошифий («Тафсири форсий») сингари форс таърихнависларининг фикрига таянган ҳолда баҳо беради ва шоирнинг форсийда ҳам баракали ижод қилгани сабабларини «Муҳокамат ул-луғатайн»даги маълумотлар орқали асослайди: «Навоий ўн беш яшарликдан қирқ яшарликкача форс адабиёти билан кучли суратда машғул бўлган, замонада мавжуд форс девонларининг ҳаммасини бўлмаса ҳам, қўлини кўрган. Мавлоно Жомийдан бошлаб, у замоннинг энг катта форс шоирлари ўз шеърларини кўрсатган, тузатиб беришни сўраганлар». Фитрат бу фикрлар орқали Навоий форс адабиётининг чуқур билимдони ва ижодкори, танқидчи ва таъсиҳчи, «энг улуг форс шоирларининг энг машҳур, энг қийин асарларига форсийча жавоб ёзган уста бир санъаткор» эканлигини асослайди. Фитрат Навоийнинг кўп форсий қасидалари жавобига тарзда битилганлигини, жумладан, «Тухфат ул-афғор» қасидаси Хусрав Деҳлавийнинг «Бахр ул-аброр» ҳамда Абдурахмон Жомийнинг «Лужат ул-асрор»га ўхшаш тарзда ёзилганлигини таъкидлайди ва бу орқали унинг қасиданавислик маҳоратига баҳо беради. Олим мақолада «Муҳокамат ул-луғатайн»даги шоирнинг «Руҳ ул-қудс», «Айн ул-ҳаёт», «Минҳож ул-наҳот», «Кут ул-қулуб», «Фусули арбаа» сингари ўз қасидалари ҳақидаги маълумотларга ҳам мувожаҳат қилади. «Ситта зарурия» туркуми таркибидagi хар олти қасиданинг дастлабки байтларини келтириб, Навоий форсий сўз ўйинларининг ҳам устаси бўлганлигини таъкидлайди. Ҳатто форс мумтоз адабиётда қасиданавис сифатида танилган Жалолиддин Салмон Совжий (1300 — 1375)нинг тарсиҳда битилган қаси-

Навоий гулшани

дасининг куйидаги байтига нисбатан Навоий «тарсиҳ тугал эмас», дея ўринли эътироз билдирганлигини қайд этиш орқали шоир форс адабиётининг нозик билимдони ва мунаққиди бўлганлигига ишора қилади.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам «Муҳокамат ул-луғатайн» асарига форсий асарлари халқ орасида машҳур бўлиб, мухлислари уларни севиб ўқишларини алоҳида таъкидлаган. Шунга қарамай, ҳалигача биз бу бебаҳо мероснинг тўла шеърый таржимасига эга эмасмиз. Атоқли адабиётшунос олим Натан Маллаев 60-йиллардаёқ «Девони

ТИЛ ВА ДИД  
МАРВАРИДИ

Фоний»ни поэтик таржима қилиш устиди иш бошлаш, бу мураккаб вазифани амалга оширишда нозимлик йўлидан эмас, шоирлик йўлидан бориш, таржиманинг аслият билан ёнма-ён яшашига эришиш лозимлигини таъкидлаган эди. Фафур Фулом, Шоислом Шомухаммедов, Чустий, Абдуқодир Ҳайитметов, Жамол Камол, Носир Муҳаммад, Саид Фани, Олимжон Бўриев, Эргаш Очиллов, Абдухамид Пардаев каби таржимонлар шоирнинг форсий меросидан намуналар таржима қилганлар.

Адабиётшунос олим Эргаш Очиллов таъкидлаганидек, «Девони Фоний» таржимаси йўлидаги энг жиддий кадамни Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол қўйди. Алишер Навоий форсий меросидан 200 ғазал ва 10 қасидани аънанавий вазнда — аруз жиноси билан таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди (Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани. Ғазаллар ва қасидалар. Тошкент, 2011. Масъул муҳаррир Асрор Самад, сўзбоши муаллифи Иброҳим Қаққул).

Дарҳақиқат, таржима матни раво, ғализликлардан холи, Фоний-Навоий ғазал ва қасидаларга сингирган гоёлар ўзбекчада ҳам тўла-тўқис акс этган. Айтиқса, «Ситта зарурия» қасидалар туркуми таржимасида мутаржимнинг муаллиф илгари сурган гоёвий-бадий мақсадни бекуму кўст ҳис қилиб, ёрқин ифода-лашга эришганини кўриш мумкин. Бу асар таржимаси мутаржимдан нафақат бадий таржима қонунларидан, балки илоҳийёт, абҷад, тасавуф, пайғамбарлар ҳаёти тарихидан чуқур хабардорлиқни талаб этади. Ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам буни «Муҳокамат ул-луғатайн» асарига қайд этган: «Бу олти қасида ҳамд ва наът ва сано мавъизатдур ва аҳли тасавуф ва ҳақиқат тили била маърифат».

Профессор, туркшунос олим Сергей Николаевич Ивановни мен биринчи бор 1965 йил 9 февралда Алишер Навоийга бағишланган илмий-анъанавий анжуманда кўрганман. Лекин ҳаёт йўли, илмий, ижодий фаолияти ва таржималари ҳақида билар эдим. Мен Ленинградда аспирантурада ўқиган, илмий ишнинг ҳимоя қилган вақтларда С.Иванов Бухорода ишлаб, домланинг номзодлик ва докторлик диссертациялари тлашуносликка оид эди. Лекин олимнинг уч соҳада (педагогик, илмий ва таржима) гоят унумли ишлаб қилгани маълум.

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИМИЗ МАҚТУНИ

Олим 1965 йили академик В.Жирмунскийнинг илтимосига кўра «Библиотека поэта» туркумида «Навоий» тўпламини нашрдан чиқарди. Унда 49 бетли сўзбоши, 35 бетли изоҳ ва луғатлар бор. Бу китоб Навоий асарларини рус китобхонларига етказишда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки рус китобхони қарийб 20 йиллар ҳамаси Навоийдан янги таржималарни ўқимаган эди.

С.Иванов «Хазойин ул-маоний»дан янги ғазаллар, рубоий, қитъа, ҳатто туюқларни таржима қилганди. Рус тилидаги Навоий асарлари 10 жилдиги нашрида шеърлар ва фалсафий-ирфоний дoston «Лисон ут-тайр» таржимаси ўрин олди. С.Ивановнинг «Поэзия Алишери Навоий — моя вечная любовь», деган гоёмуҳам қулогимда.

Ленинградга ҳар борганимда Эрмитаж яқинидаги олимлар ётоқхонасига тушардим. Уша кунги эртасига С.Иванов рафиқаси Алла Николаевна билан келиб, мени уйларига олиб кетардилар. С.Ивановнинг ҳамма таржималари (Юсуф Баласогуний, Гадоий, Хусайн Байқаро, Алишер Навоий, Атоий, Саққокий, Лутфий, Машраб, Нодира, Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Эргаш Жуманбулбул, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Собир Абдулла, Зулфия, Уйғун, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Шоислом Шомухаммедов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али

асарлари) эълон қилинган. Унинг таржималарида асл матндан узоқ кетилмаган, тисоллар йўқолмаган, ўзгартрилмаган. Бу ҳол рус изоҳ ва луғатлар бор. Бу китоб Навоий асарларини рус китобхонларига етказишда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки рус китобхони қарийб 20 йиллар ҳамаси Навоийдан янги таржималарни ўқимаган эди.

С.Иванов ғазаллардаги рафидларни ҳам сақлаган (кўп таржимонларда бу йўқ), «тажнис» ишлатиш бош талаб бўлган туюқлар таржимасида бунга риоя қилган. Ёдимда, Хусайн Байқаро шеърлари таржимасини илтимос қилганимда Сергей Николаевич Ленинграддан ҳар кун биттадан хат, унда 1 ғазал таржимаси ва охириги 11-хатда 2 ғазал таржимасини юборганди. Ҳар хатда гўзал ҳазил-мутоиба, «Хусайний шеърдан бир мисра совға, бахшида», деб ёзар эди.

С.Иванов Машрабни таржима қилаётганида Ленинградга борган эдим. Уйларида салом-алиқ, савол-жавоблар орасида гап Машрабга уланди. «У шоир бўлиб этилмаган, балки шоир бўлиб яратилган, — деди олим ва давом этиб,

ут-тайр» таржимасини тугатиб, нашриётга топширганида ЛГУ шарқ факултети домлалари, аспирант ва талабалари асар таржимасини ўқиб беришни илтимос қилишибди. Бунга у рози бўлибди. Мен ҳам бориб қолган эдим. Факултетда устозим Александр Николаевич Болдирев, профессорлар Андрей Николаевич Кононов, Михаил Николаевич Боголюбов ва бошқа таниқли шарқшунос олимларни кўрдим. Зал тўла, Сергей Николаевич «Лисон ут-тайр» таржимасини ўқиб бермоқда... Бу йнги бир неча кун давом этди, яқнда асардаги шоир нияти, давр нафаси, таржимон маҳорати ҳақида фикрлар билдирилди.

Алишер Навоий 525 йиллиги тантанаси улуг шоир номи берилган ўзбек опера ва балет театрида ўтказилганди. Хориждан меҳмонлар бор. Табрик сўз Сергей Ивановга берилди. У ўзбек тилида табрик сўзи айтди. Гулдурос қарсақлар чалинди, ҳамма ўрнидан турди. Уша кезларда шоиримизга бағишланган тантаналарда ўзбек тилида янграган ягона овоз Сергей Николаевичнинг овози эди...

С.Иванов менга ёган мактубларининг ярми ўзидан, ярми рафиқаси Алла Николаевна хати бўлар эди. Имзо эса «Алохону аломон» тарзида ёзиларди. Бу имзода Навоийнинг машҳур рубоийсидаги сўзларга маънодор ишора бор эди:



Мутаржим тилимининг бой имкониятларидан кенг фойдаланган, таржимон интуицияси унга катта ёрдам берган. Таржималар ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан аслиятга мувофиқ чиққан. Жамол Камол Навоийнинг ҳассос руҳи, шеърларидаги жўшқин ифода, уларнинг туб замиридан келиб чиқадиган маъно-мазмунни беришга ҳаракат қилган. Мана, бир мисол:

Лолаву гул аз тажалли ту ба хуби,  
Қумрино булбул зи шавқи ту ба алоло.

(Алишер Навоий, МАТ, 8-жилд, 10-бет)

Ул лолаву гуллар бари ҳуснинг ила кўркем,  
Ҳам қумрино булбулга етиб шавқи алоло.

(«Фоний гулшани», 10-бет)

Таъкидлаш жоизки, форсча, арабча қадимий сўзларнинг ўрнида ишлатилгани таржимоннинг Шарқ мумтоз адабиётини чуқур билишидан гувоҳлик беради. Зеро, бу сўзлар ўз табиий оқими билан келмаса, уларни матнга зўрлаб тиқштириш кераклик натижадан бермайди, сохта бежамадайд матнга ёпишмай туради. Таржимон эса уларни маҳорат билан қўллаб, матнинг гўзал ва табиий чиқисини таъминлаган, Навоий ғазалларида гоё теранлик, орифона ва ошқона руҳ, ҳассос туйғулар мавжжи таржимада ўз аксини топган:

Қуши ба хубию жонбахши аз суҳан, ки чу ту  
Набула Оллоҳ-Оллоҳ, Масиху ёки Марям хуб.

(Алишер Навоий, МАТ, 8-жилд, 102-бет)

Агарчи ўлдурур ҳуснинг, ҳамоно тиргизур сўзинг,  
Бу янги бўлмаган, ё Раб, Масиху ёки Марям хуб.

(«Фоний гулшани», 198-бет)

Закий ва талабчан таржимон Жамол Камол мазкур китобга «тузатишлар»ни илова қилиб, нашрни яна бир бор танқидий назар билан кўздан кечириб, баъзи техник хатоларни, жумладан, 16-бетнинг 4-байтидаги «остид» сўзини «устид», 111-бетнинг 1-байтидаги «малома» сўзини «малолат», 275-бетнинг 2-байтидаги «ўргатувчи» сўзини «ўргатувчи» тарзида тузатиб ўқиш лозимлигини айтиб, узрини изҳор этгани ҳам унинг Навоий даҳоси олдидаги улкан масъулятни астойдил ҳис қилганидан далолатдир.

Хуллас, «Девони Фоний»нинг давр тақозо этган ва ўқувчилар талаб қилган гўзал, бадий бақувват таржимаси йўлидаги бу жиддий ҳаракат ўқувчилар томонидан ҳам, адабий жамоатчилик томонидан ҳам қизгин қутиб олинди. Зотан, дурдона асарларнинг ҳар бир янги ва яхши таржимаси адабиётимизнинг ютуғидир.

Назира БЕКОВА,  
Бухоро давлат университети доценти,  
филология фанлари номзоди

Йўқ даҳрда бир бесару самон мендек,  
Ўз ҳолига сарпагатуу хайрон мендек.  
Ғам қўйида хонхону вайрон мендек.  
Яъники, Алохону аломон мендек.

Ё раббий! Мана буни шоирона шуур, руҳий таважжух, ижодий дилбасталик дейиш мумкин...

1983 йили С.Иванов «Кутадгу билиг» асарини таржима қилиб, нашрдан чиқарди. Китоб сўнггида академик А.Н.Кононовнинг асар ва таржима ҳақида мақоласи ҳам берилган. Бу асар билан кўп йиллар шугулланган олим Каюмжон Каримов таржима гоёт юксак савиёда амалга оширилган, деб эътироф этганди. Дарвоқе, бу таржиманинг уч марта нашр қилинган бехиж эмас.

1982 йили С.Ивановнинг 60 йиллиги «Метрополь» меҳмонхонасининг шинам залида ўтказилган бўлди. Домлалар рафиқалари билан, кафедра аъзолари, меҳмонлар ҳам бўлишди. М.Н.Боголюбов ўринларидан туриб, «Девони Фоний»дан шеър ўқиб бошлади.

Ту хубу хуби ту хубу тақалумат ҳам хуб,  
Набула чун ту ба хуби кесе ба одам хуб...

(Яъни, Сен яхшисан, хулқинг яхши, сўзларинг ҳам яхши, Сендек яхши яхши оламда ҳеч ким йўқ.)

Кейинги сўз А.Н.Болдиревга берилди, устоз чиройли талаффузда Рудакийнинг машҳур қасидасини («Буйи жуйи Мулиён ояд хаме...») ёддан ўқиди.

Навбат менга келганда ҳаяжон қамровида қолдим, ҳеч бир шеър ёдимга келмади ва мен Сергей Николаевичнинг мактубидаги «алохону аломон»ни ўқиб бердим...

Ҳаммамиз Сергей Ивановнинг туғилган кунларини шундай шеърхонлик байрамига айлантирамиз, деб ният қилдик.  
С.Н.Иванов 1995 йил 5 апрелда оғир касалликдан вафот этди. Унинг шоғирдлари Ўзбекистонда, Петербургда, Гуржистонда устоз хотирасини эъзозлаб, ишларини давом эттирмоқдалар.

Суйима ҒАНИЕВА

СОҒИНЧ КЎШИҚЛАРИ

Истеъдодли шоир Равшан Файзнинг «Кел, эй кўнглим» китоби кўлимга тушгунгача, рости, уни «Кўнглимга орзулар солган қишлоғим» кўшиғи матни муаллифи сифатида билардим. Китобни ўқиб, оҳорли, самимий ва ўзинга хос шеърят билан танишдим.

Равшан Файз шеърларида болаларча соддалик ва тозақўнғиллик, кучли ва чинакам соғинч суврати бор. Қишлоқ, оддий одамлар ва табиат манзараларида ана шу кайфият сизга ҳам кўчиб ўтади. «Қишлоқ соғинчи» деб номланган шеърнинг якунига бир эътибор беринг-а:

Туриб-туриб келади кўрғим,  
Сен-чи, сен ҳам садо бергин, хой,  
Билинарми хали ҳам ўриним,  
Оғрийдими мен юлинган жой?!  
Бу тарзда ифодаланган соғинч ўқувчига малол келмайди, аксинча, юрак-юрағига сингади. Туйғу қанчалик ҳаққоний, табиий бўлмасин, агар муносиб ифода тополмасангиз, бошқаларни бунга ишонтариб бўлмайди.

Табиат — бетакорор шеърят, ўхшаши йўқ санъат. Унинг ўйғониши, яшашини ва ҳатто заволи ҳам гўзал. Шоир гўзалликдан завқланганда, кўнгли тўлиб-тошади. Бироқ табиат манзараларини қозғога туширар экан, суратлашлик қилмайди, балки ана шу чизғиларга фикру хаёллари, қарашларини ҳам сингдириб юборади:

Жезтироқ шамоллар билмай асло тин,  
Жами тирликнинг устидан қулди.  
Сўнг мунис эгачим — мажнунтолларнинг  
Маънос сочларини битталаб юлди.

Шоир мажнунтолларни «мунис эгачим», деб атади. Шамол эса уларнинг сочларини битталаб юлади. Бу рамзий мисралар умр ўтқинчилиги, ҳаётнинг адолатсиз ўйинлари олдида инсон кўпинча ожиз қолажга ҳақида эслатади, кишида шундай кайфият уйғотади. Лекин тўртликни оддий кузги табиат тасвири деб ҳам қабул қилиш мумкин. Рамзинг афзаллиги шунда — фикрни қаватлаб айтиш мумкин.

Гоҳида каттароқ машаққатларни, ҳатто мусибатларни ҳам яхши одамларнинг кўмаги, яқинларимизнинг далдаси сабаб осон ениб ўтади. Бироқ ўзингдан бошқа ҳеч ким англаб етолмайдиган дардлар, бировга айтилмайдиган сирлар ҳам бўлади. Уларни арзи ҳол қилишдан, кимгадир кўнгли ёришдан наф йўқ. Кўрган-билганлар сени сопа-соғ, хотиржам деб ўйлайди, ҳавас билан қаради. Бироқ...

Ўзингдан ўтгани ўзингга аён:  
Ҳеч кимга кўринмас дилинг куйинг.  
Севги тўғрисида илҳом билан, чин кўнглидан ёзилган шеър истараси иссиқ қизга ўхшайди. Турли ясан-тусанларсиз ҳам сизни мафтун этаверади. Тўқилган шеърлар эса, ясама сўз ўйинлари, шеър санъатларига қанчалик бой бўлмасин, ўқувчига сингмайди, кўнглини ололмайди. Шоирнинг халқ дostonлари йўлида, айтишув шаклида битилган «Ойбаланд» асари ҳам эътиборга молик. Наср қисми ҳам, назм қисми ҳам раво, оҳангдор:

Сехрини топтирмай сил қилар созим,  
Ичимни куйдириб оқар овозим —  
Баҳорим ўтмасдан келдимиз ёзим,  
Менга не бўлди, дўст, менга не бўлди.  
Севиб қолган шоирнинг сўзлари бу. Эътибор беринг-а: «Ичимни куйдириб оқар овозим». Муҳаббат шундай: кўнглида тўсатдан гулхан ёқди, бирдан изтиробга солади, доврлатади ва бахтиёр этади. Гарчи дoston анъанавий усулда ёзилган бўлса-да, қутилмаган шаклда яқулнади. Бола бахши ва Ойбаланд эртақлардагидек «мурод-мақсадиға етиб», бахтли-тахтли бўлиб кетмади. Уларнинг орасига бир умрлик ҳижрон тушади, ҳар ким бошқанинг қўлини тутди. Бу тарздаги яқун ҳам асарнинг салмоғини оширади.

«Мухаббатдан бошланар ҳаёт» китобини кўлимга оламани, қадрдон бўлиб қолган шеър ёки мисраларни такрор ўқийман. Гўё шоир билан юзма-юз суҳбат қургандек бўлам. Яхши шеърлар муаллифидан узоқроқ умр кўради. Равшан Файз ижодида бундай шеърлар анчагина.

«МУҲАББАТДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ»

Адабиётшунос Тўлабой Рўзибоевнинг адабий-танқидий мақолалари жамланган ушбу тўплам «Тафаккур қаноти» нашриётида чоп этилган. Рисолага таниқли олимлар Нўмон Раҳимжонов ва Ортықбой Абдуллаев масъул муҳаррирлик қилишган.

Тўлабой Рўзибоевнинг таҳлил объекти таниқли адабларимиз О.Ёқубов, П.Қодиров, Ў.Умарбеков, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, У.Назаров, Ў.Усмонов ва бошқаларнинг ўз даврида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ҳазрат, поэзияси, драматургияси ҳақидаги адабиётшунос олимлар И.Султонов, Н.Маллаев, М.Қўшонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Б.Қосимов ва И.Фафуровнинг адабий-танқидий мақолаларига муносабатини билдиради. Айни пайтда истиклол даври адабиётининг шаклланиш жараёнларини мутахассис сифатида таҳлил қилишга интилади. Тарихий-маърифий сиймолар, 20 — 40-йиллар адабиётининг зарбадест вакиллари А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор, М.Шайхзода, Ф.Фулом ва бошқа атоқли адаблар ижодида мустақиллик даври талаб ва эҳтиёжлари нуктаи назаридан ёндашади. Таҳлилич собик соцреализм адабиёти билан мустақиллик даврининг дастлабки йиллари бадиятини қиёсларкан, мустақиллик даври адабиёти ўқувчи қалбига истиклол, ватанпарварлик, миллий гуруру ва ифтихор туйғуларини уйғотиб, уни Ватанга, халққа садоқат ва фидойилик руҳида тарбиялашга киришганини таъкидлайди.

Хуллас, «Мухаббатдан бошланар ҳаёт» тўпламида XX асрнинг 70 — 90-йиллари ўзбек адабиёти адабиётшунослари, адабий танқидчилар томонидан қандай таҳлил қилиб ўқувчига тавсия этилгани холис кузатилиб, бугунги мустақиллик даври ўзбек насридаги ютуқлар ҳақида фикр юритилган. Ушбу тўплам филолог мутахассислар, магистр ва бакалаврлар, тил ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда маънавият, адабиёт ва санъат ихлосмандларига мўлжалланган.

Шафқатсиз ечим ўқувчини уйга толдиради, ачиқ ҳақиқатга юзма-юз қилади. Фавқулодда фикр ёки образ мисраларга гўё «жон бағишлаб юборади». Бундай яшовчан сатрлар Равшан Файз ижодида кўп учрайди. «Севги» деб аталган шеърни олайлик.

Қоядаги гул эдинг, жоним,  
Умоқ бўлдим — кўлим етмади —  
дея афсусланади шеър қахрамони. Севғилисига етишишнинг иложи йўқ, шу боис ёниб-қуяди, мажнун бўлиб қуйлайди, бироқ ундан воз кечиб кетишининг-да имкони йўқ. Шунда сеvgи рамзи — гул қоядан паस्ता — богга тушади. Ошиқ унга етишади:

Ҳансираб, ҳарпикиб кўксимга босиб,  
Ҳаётнинг энг нозик ҳисларин туйдим.  
Сўнг йнглаб юбордим қафтимни очиб —  
Сени меҳрим билан ўлдириб қўйдим.

Шоир ҳамма кўриб юрган, тилининг учида турган, аммо айтолмаган гапни топади: ҳатто меҳр ҳам сеvgининг сўнишига сабаб бўлиши мумкин. Бу фикрни гўзал ҳаётини мисол билан тасвирлайди. Шоирнинг усталлиги, кашфиётчилиги шунда.

Шеър ўқидан мақсад — маънавий-руҳий баҳрамандлик. Ҳушхати шеърнинг озуқа қувватини оширади. Чиройли ўхшатиш топган ва уни жойида ишлата олган шоирнинг эса, ошиғи олчи. «Совчи» шеърда сеvgан қизининг уйига совчи келганини кўрган йигитнинг ахволи чиройли ташбеҳлар билан чизиб берилади:

Кўларим куйдириб-эй, кўларимнинг ўнгиди  
Бойлигим, бисотимга ўрни тушди, ов тушди.

Қафасдаги шер мисол ўтирибман мўлтираб,  
Ўғалмайман сен томон — ўргамсизга ёв тушди.

Бойлигига ўғри тушган ва бундан хабар топган ҳар қандай тирик, эс-хуши жойида бўлган одам бақир-чақир қилиб бошқаларни ёрдамга чақиради. Шеър қахрамони эса, мум тилшайди, гапирмайди, гапиролмайди. Тўлуқчалар эвдиётига қурилган ташбеҳ йигитнинг руҳий ҳолатини яқиндан ҳис этишга ёрдам беради. Ожизлики энг кучли, энг йиртиқ, лекин қафсда мўлтираб ўтирган шер тимсолида бериш ҳам жуда ўринли.

Равшан Файз ижоди манзарали, ҳиссий-ишқий мувозуага асарлардангина иборат эмас. Турли фалсафий кузатишлар, олам ва одам ҳақидаги ўйлар, болаларбон муавзаларга ҳам шоир алоҳида эътибор берган. Унинг шеърларидаги умумий руҳ бироз ҳазиндек туюлади. Аслида, бу шеърятга хос хусусият. Ижодкор дунёни ўзи истаганидек, тасаввур этганидек кўришни хоҳлайди. Ҳаёт ҳақиқати орзуларига терс келганида эса, изтироб чекади ва бу ўз-ўзидан қозғога ҳам қўчади. Шу ўринда ижоддаги яна бир жиҳатга эътибор бериш зарур. Табиъи назми бор, сўзни тушунадиган кишиларнинг кўплиги яхши, бироқ ҳақиқий шоирлар камёб бўлади. Тўртта сўзни қофия қилиш ёки шуни ҳам эполомай ранда тегмаган мисраларни ёзиш кўпчиликнинг қўлидан келади. Аммо истеъдод бошқа, сўзни, унинг масъулятини ҳис этиш, шоирликка жиддий ёндашиш тамоман бўлак нарса:

Ўзимни қийнадим, юракни сиқдим,  
Сўнг тоғни менгардим, деворни йиқдим —  
Улам ҳам сўзимнинг устидан чиқдим.  
Ниманки қилсам қилдим-у, лекин  
Сўзимга хиёнат қилмадим фақат.  
Сўзига хиёнат қилмаган ижодкор асарларини қайта-қайта ўқиш керак. Мана, тагин «Кел, эй кўнглим» китобини кўлимга оламани, қадрдон бўлиб қолган шеър ёки мисраларни такрор ўқийман. Гўё шоир билан юзма-юз суҳбат қургандек бўлам. Яхши шеърлар муаллифидан узоқроқ умр кўради. Равшан Файз ижодида бундай шеърлар анчагина.

Ўзимни қийнадим, юракни сиқдим,  
Сўнг тоғни менгардим, деворни йиқдим —  
Улам ҳам сўзимнинг устидан чиқдим.  
Ниманки қилсам қилдим-у, лекин  
Сўзимга хиёнат қилмадим фақат.  
Сўзига хиёнат қилмаган ижодкор асарларини қайта-қайта ўқиш керак. Мана, тагин «Кел, эй кўнглим» китобини кўлимга оламани, қадрд



# “СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ВАТАН!”

БЕНАЗИР

## ЗУЛФИЯХОНИМ

Замину замонда бир майса қалр,  
Қалдрон кўпайор кўпайса қалр,  
Бир олам меҳнатта бир пайса қалр,  
Дунё тарозими, Зулфияхоним?

Кўклам куйчиси-ла ғойиблар кетган,  
Алдамчи баҳорни койиблар кетган,  
Халқин сева-сева бойиблар кетган,  
Халқининг нозими Зулфияхоним!

Бу кун осмонча кўп қалдрларингиз,  
Сиз эли осмон бўб қалдрларингиз,  
Дилларни уйғотган сатрларингиз,  
Тонди баҳосини, Зулфияхоним!

Ҳажр дилингизга алам ўтказган,  
Надир кўлингизга қалам тутказган,  
Тоғдай шаънингизни кўкка етказган,  
Элнинг дуосими, Зулфияхоним?

Шоирлар оламнинг хур нафасидир,  
Бу жумла одамнинг фалсафасидир,  
Бу кун эзуликнинг ғалабасидир,  
Бахтнинг маросими, Зулфияхоним!

Англаб кўзимизда борлигингизни,  
Англаб сўзимизда борлигингизни,  
Кўксимизга тақсақ ёрлигингизни,  
Сиз биздан розими, Зулфияхоним?

Наманган.



Меҳриоз АББОСОВА

## ЭНДИ МЕНГА СУЯН

Мана мен — ёшликман, ҳеч олмасман тин,  
Ватан, бир корингга келар ярагим.  
Менга бор дардингни айтишинг мумкин,  
Бугун жуссамдан ҳам катта юрагим.

Бола эдим, елкалаб юргувчи отам  
Кафтида авайлаб, суюб ўстирди.  
Йиқилсам, қўлимдан тутгувчи Ватан  
Суянчигим бўлиб, суюб ўстирди.

Бунда шамоллар ҳам майин елади,  
Қайдан топгум бундоқ Офтобистонни.  
Энди менга суян, дегим келади  
Шарт бағримга босиб Ўзбекистонни.

Чортоқ.

Ситора ТОШМАТОВА

## ТУМОРИМ

Ҳади эдилар менга кўзмиучок  
Ва дедилар: «Ахир, кўзга яқинсан!»  
Туморлар не даркор сен омон бўлсанг,  
Мени дуоларинг қўллайти, Ватан!

Баралла куйлағум сен ҳақда бугун,  
Ҳатто булбуллар ҳам бергайдирлар тан.  
Юрагимга ишқинг жойлабон қўйган  
Шўхчан наволаринг қўллайти, Ватан.

Шоира қизимга илҳом берай, деб,  
Ялпизоилар тушар ялпизтепадан.  
Офтобинг онамдай меҳрига белаб,  
Нуру зиёларинг қўллайти, Ватан!

«Бизни маҳв этолмас завола лашкари,  
Бу назм боғига киролмас хазон».  
Бир кун зўр шоира бўламан ҳали,  
Мени дуоларинг қўллайти, Ватан!

Мени дуоларинг қўллайти, Ватан!

Бекобод.

Дилрабо НОРҚУЛОВА

## МАКТУБ

Меҳр — кўзда, дейдилар,  
Сеҳр — сўзда, дейдилар.  
Меҳр сўнган юракни  
Парча муз-ла дейдилар.

Ўзим узокдаман-у,  
Кўнглим сизда, онажон.  
Сиздан бошқа яқин йўқ  
Шоир қизда, онажон.

Қишлоғим кўз олдимда,  
Сиз борсиз — дўст олдимда.  
Нима қилай, шу... шезьрга  
Сал боғланиб қолдимда.

Сал эрқароқ ўстирган  
Ўзингиз-ку, онажон.  
Менда завқлар уйғотган  
Сўзингиз-ку, онажон.

Қия-қия далалар,  
Қирмиз-қирмиз лолалар.

Гул отану гап отган  
Қиякўзли болалар.

Деҳқон болаларига  
Тўрт фасл — иш, онажон.  
Менинг ишим — гап сотиш  
Ва соғиниш, онажон.

Нақалар хуш — ер ҳиди,  
Хирмон ҳиди, тер ҳиди.  
Гоҳо нафасим бўғар  
Енгил-арзон шезьр ҳиди.

Дилда кундан кун юртнинг  
Қадри ортар, онажон.  
Куйламасам кўнглининг  
Дарди ортар, онажон.

Ишдан қайтади дадам,  
Уйда кичкина байрам.  
Бундан ортиқ бахт борми —  
Оиламиз жамулжам.

Мен ҳам ўша кунларни  
Кўп кўсайман, онажон.

Бахт-орзуни бир жойда  
Кўрсам дейман, онажон.

Олма пишгунича то,  
Сақраб тушгунича то,  
Бу томонда, Тошкентда  
Қанча турланар дунё.

Шаҳарда вақт чопоғон  
Тойга ўхшар, онажон.  
Олмафуруш ҳам катта  
Бойга ўхшар, онажон.

Кўнглим — менинг қақнусим,  
Бир оловда минг ёниш.  
Сиз яхшилик дегайсиз,  
Яхшилар билан таниш.

Ёмонларга юзимни  
Ёлиб олдим, онажон.  
Мен Пойтахтда ўзимни  
Тоғлиб олдим, онажон.

Сурхондарё.

Ситора БАРЛИБОЕВА

## ҲАВАС

Мен булутга айланиб қолиб,  
Шамол билан ўйнагим келар.  
Томчи-томчи ёмғирлар бўлиб,  
Кувноқ қўшиқ куйлагим келар.

Ирмоқ суви каби чулдираб,  
Райҳон билан сирлашим келар.  
Тоғда лола каби пилдираб,  
Тошга севинч улашим келар.

Кумуш қорга айланиб олиб,  
Оқ либослар яратгим келар.  
Чаманзорда атиргул бўлиб,  
Булбулларни сайратгим келар.

Бедор юрак бўлиб дунёда,  
Ғофиликни тиллагим келар.  
Бўлиб оддий бир майса, она,  
Ерга меҳр боғлагим келар.

Гумбаз аро ситора бўлиб,  
Ой алласин тиллагим келар.  
Шезьр мулкида бир қалам бўлиб,  
Юрак дардин англагим келар.

Сурхондарё.

Дилфуза МАҲКАМОВА

## РҮМОЛ

Уйга қайтдим азим пойтахтдан,  
Онам хурсанд бўлиб суйдилар.  
Кетаётсам тугунни очиб,  
Рўмолларин солиб қўйдилар.

Жаҳлим чиқди: нега солдингиз,  
Рўмол ўраб юраманми, деб.  
Онам эса: иссиқ жон болам,  
Бир кунингга яраб қолар, — дер.

Яна қайтдим азим шаҳарга,  
Дийдорларга тўймайин ҳали.  
Ўз домига тортар юракни,  
Соғинч деган туйғу қамали.

Овутолмас мени ҳеч нарса,  
Ҳатто шаҳри азим жамоли.  
Шунда кўзга жондек кўрипти  
Онам солиб қўйган рўмоли.

Кўзларимда ёшлар шашқатор,  
Яна ўша бағрим тилгайман.  
Ўзимни ҳеч овуға олмай,  
Рўмолларин кучиб йиғлайман.

Онамни эслатган овуңим,  
Тилинг чиқиб қолса қанийди.  
Доим сени кўзимга суриб,  
Бошга қўйиб юрсам арзийди.

Жиззах.

Юлдуз ЗОИРОВА

## ОНА ҚИШЛОҚ

Сен десам покликка айланар юрак,  
Беғубор орзуга белангай дунё.  
Туйғулар меҳрдан очмоқда куртак,  
Менинг юрагимда ўсапсанми ё?!

Камалак рангига қалам ботириб,  
Ҳаётнинг расмини чизаман кўпроқ.  
Гулжияк кўчанинг этакларида —  
Болалик ўйнайди сочи кўнгирик.

Тонги туйғулардан андоза олиб,  
Оловранг ҳислардан қамашади кўз.  
Отам манглайида ноламас асли,  
Уримга ҳовучлаб сочилгувчи сўз.

Қалбимдан қандайин ўчирай, она,  
Соғинчдан лой бўлиб кетган изларни.  
Катта юрак билан катта шаҳарда  
Излайман суронли, улкан ҳисларни.

Қўлимда даст тутиб илҳом пичоғин —  
Ҳиссиз булутларни кесиб бораман.  
Бир куни гуллатиб сенинг кучоғинг,  
Мен ҳам юрагингга ўсиб бораман.

Теран нигоҳларинг ҳароратидан  
Рухимда муҳаббат тугилар оппоқ.  
Ота, дуонингиз ижобатими —  
Мени шоир қилди шу она қишлоқ.

Жиззах.

Зебо НУРМОҲОВА

## ЙИЛЛАР ВА ЙҮЛЛАР...

Сабрининг отини соғинч қўйиб ман,  
Югуриб борардим юрагим билан.  
Онам дийдорига кўндек учаман,  
Ичимда топ-тоза тилагим билан.

Хаёлларга бермам соғинчларимни,  
Шамолларга бермам асло ҳисларим.  
Менинг юрагимдан бошқа дўстим йўқ,  
Соғинганим онам, онам истарим.

Темир саманимга кудрат бер, Худо,  
Йўллар, битим тузинг соатлар билан.  
Ёрилгани рўё ёрилгонларнинг,  
Энди ишим йўқдир тоқатлар билан.

Тўрт томоним қибла, сахро тўрт томон,  
Чўлнинг юрагини ёриб борар йўл.  
Ноумид дарахтлар бошида қиров,  
Кўёшли воҳага силтаб қолар қўл.

Совурилган йиллар ўйга толдираб,  
Қандай тош шаҳарнинг бўлдим мафтун.  
Мен кимлардан таъма қилдим муҳаббат,  
Онам бағрида-ку меҳр мазмун.

Йўллар совурмади вақтни беҳуда,  
Симлар қоқилмайди бунда дафъатан.  
Сабр косаларим тўлар умидга,  
Бунда Она азиз, тахҳодир Ватан!

Хоразм.

Гулжамол АСҚАРОВА

## ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИ

Водийи келиндек нозланган бу юрт,  
Воҳаси кувдек отланган юрт бу.  
Манглайига зардан зарҳаллар солиб,  
Ўзбекка Худодан хатланган юрт бу.

Сўлим Фарғонага саломлар бўлсин,  
Наманганга дилбар каломлар бўлсин.  
Манглайи кўёшли Қашқадарёга  
Соҳибқирон руҳи малалкор бўлсин.

Сирларё лабида сирлар кўрарман,  
Бухоро бағрида пирлар кўрарман.  
Ёзу баҳорингдан айланай, юртим,  
Жиззахда бахмалдек қирлар кўрарман.

Хоразмда хонлар излари бордир,  
Паркентнинг париваш қизлари бордир.  
Янги хонадондек гўзал Навоий,  
Сенда Ҳазратининг кўзлари бордир.

Ким келса бошини силагандир у,  
Буюкларга иқбол тилагандир у.  
Бошида улуглаб Қорақалпоқни,  
Пойи ҳам тахт бўлган гўзал Тошкент бу.

Белин белбоғ кучган Бободехқоним,  
Шонли зафар кучган Ўзбекистоним,  
Бахтга сафарларинг муборак бўлсин,  
Тўю зафарларинг муборак бўлсин!

Самарқанд.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА

## ФАРҒОНА

Кўзимдан ой топар мардонагуллар,  
Ухлайди кўксимда девонагуллар,  
Кўнглимга кўчада фарғонагуллар,  
Дилим Фарғонажон, гулим Фарғона.

Бўйининг ранглайман чечаклар билан,  
Сенда хас ҳам гуллар тилақлар билан,  
Тупроқ деб ор ютган юраклар билан  
Омон Фарғонажон, ҳамон Фарғона.

Дунёда неки бор, ўзингни айтгум,  
Дуолар сув ичган сўзингни айтгум,  
Чор дунёни кўриб, кўзингга қайтгум,  
Изим Фарғонажон, тузим Фарғона.

Яшаса бўрондай, гоҳ елдай яшар,  
Жонини пойингга қаватлаб тўшар,  
Айланиб-ўргилиб ўзимга ўхшар,  
Ўзим Фарғонажон, кўзим Фарғона.

Сўз ўпар қаламнинг пешонасидан,  
Шезьр салом йўлдайди дилхонасидан,  
Шоир кечармиди Фарғонасидан,  
Қалам Фарғонажон, қадам Фарғона.

Парихоним, номинг руҳимга дастхат,  
Аждодларинг йўллар келажакка хат.  
Бир зарранг бўлолсам — шу энг олий бахт,  
Жон-тан Фарғонажон, Ватан Фарғона!

Фарғона.

## Гулбахор ҚОБУЛОВА ВАТАН

Жон бахшда этаркан худо,  
Менга ишқини этди раҳнамо.  
Кўз очгандан мубтало дилман,  
Ишқинг билан ёнаман, Ватан!

Ёқиб борар танамни севгим,  
Тафтим ила тафтинга сингдим.  
Қелар сени такрор севмоқ-чун,  
Қайта, қайта дунёга келдим.

Ҳар рангиндан дунёлар очиб,  
Ҳар жилвангдан муҳаббат тоғиб,  
Кўчираман гўзаллик, фусун,  
Юзларингга юзимни босиб.

Гўзалликнинг турфа ранглари  
Кўз-кўз этар, бастингда аксин.  
Муҳаббатнинг оппоқ тонглари  
Битар сенга бахтиёр васфин.

Ватан, токи сен борсан омон,  
Эрк, толе ёр халқимга абад.  
Бахт юртида мангу яшаримиз,  
Дилда сенга буюк садоқат.

Норин.

## Дилафрўз УСМОҲОВА УЛУҒ ТИЛИМ

Қанча асрларни сўқмоқлаб ўтдинг,  
Изингга тутанди не-не аланга.  
Зулмат замин узра моҳтобни кўтдинг,  
Сени деб аилларинг жон отди жангта...

Навоний гуллатган гўзал бўстонсан,  
Машраб, Отаҳийлар куйлаган наво,  
Олмосларга макон, сўнгсиз уммонсан,  
Жонлай муқаддассан, ажиб, бебаҳо...

Она Ватан меҳри сенда мужассам,  
Ҳар сўзинг зиёкор — ёритар дилим.  
Сарафроз зафарлар ёр бўлсин, ҳамдам,  
Самоларга сулгон, шавкатли тилим.

Ўзбегим ўзлигин англагандан тилим,  
Муруват сўзлим — яратган дилим!  
Гул бонги булбулни сайратган тилим,  
Онам алласида янграган тилим —

Улуғ она тилим, халқона тилим,  
Қалбим қўлидаги қалқона тилим!  
Тошкент.

Юлдуз ФАЙЗИЙ

## УШАЛГАН ДУО

Бугун орзулардан унар зўр куртак,  
Армонлар эшиги ёпилди бу кун,  
Тулар бошгинамда сиз айтиб эртак,  
Қилган дуонингиз ушалди бугун.


Шодликка бурканди бутун бир олам,  
Қалбимда янграган қувончли нолам,  
Бу бахтни куйлашга ожиздек қалам,  
Ота, дуонингиз ушалди бугун.

Бахту, омадимни берган ўзингиз,  
Менда ёниб турган, сизнинг кўзингиз,  
Қаламим ҳамроҳи айтган сўзингиз,  
Ота, дуонингиз ушалди бугун.

Тўхтаган йўлингиз кенг осмонда,  
Қисқа умрингизнинг шон поёнида,  
Юлдуз қизингизнинг қалб ошиёнида,  
Ота, дуонингиз ушалди бугун.

Тошкент.

# ЭРТАКЛАР ЭКРАНДА



да болалар қизиқишлари, дунёқарашидан келиб чиқамиз. Бугунги авлоднинг фикрлашидаги ўзгачаликни инобатга олишга интиламиз. Яратилган ҳар бир асар маълум ёшдаги томошабинга мўлжалланган. Аудиториямиз боғча ёшидаги (3-6 ёш), бошланғич таълимдаги (7-11 ёш), ўсмир болалар (11-15), ўспирин ёшлар ва катталар каби гуруҳларга таснифланади. Бу йилги олтита мультфильми яратишда ҳам бу жиҳатга алоҳида аҳамият бердик.

**Ҳаммамиз болалигимиздан турли эртақларни бериблиб тинглаганимиз. Уларнинг қаҳрамонлари билан дўстлашганимиз, баъзан ўзимизни уларнинг ўрнида тасаввур этганимиз. Ҳақиқий ҳаётдан кўра эртақлар дунёсида яшашни орзу қилганимиз. XX аср ўзининг аjoyиб кашфиётлари билан бу борадаги тушунчаларни тубдан ўзгартириб юборди, уларни тиникроқ аълошишимизни таъминлади. Бу ҳодиса анимациянинг яратилиши билан содир бўлди.**

Салкам ярим асрлик тарих давомида ўзбек анимацион фильмлари аjoyиб намуналари билан нафақат болаларни, балки катталарни ҳам ҳайратга солиб, ўзига ром этиб келмоқда. Ўзбек мультфильмининг ёшлар тарбиясидаги хизмати катта бўлган ва бўлмоқда. Сўнгги йилларда «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра анимацион фильмларнинг асарлари ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асосида яратилаётгани янада қувонарлиқдир. Улар орасида халқ эртақлари, Алишер Навоий ижодий мероси намуналари борлиги жараёнининг ижодий тус олаётганидан дарак беради.

Бу йил ҳам «Ўзбекфилм» киностудияси мультфильмлари «Бўз бола», «Учар тулпор», «Олтин тарвуз», «Аломат қуён», «Донишманд шогирд», «Олтин мевали дарахт» каби олтита мультфильм устида иш олиб бормоқда. Уларнинг баъзилари эртақлар асосида яратилган бўлса, баъзилари муаллифларнинг буюк меросимизни ижодий идрок қилиши маҳсулидир.

«Бўз бола», «Олтин тарвуз» каби эртақларни барчамиз севиб ўқиганимиз. Эндilikда болажонлар мана шу эртақларнинг экран вариантини ҳам кўриши имкониятига эга бўладилар. «Учар тулпор», «Донишманд шогирд» эса ўз услуби,

йўналиши билан ажралиб туради. Уларда барча учун бирдек қизиқарли мавзулар тилга олинган. Айниқса, «Донишманд шогирд» болаларни тиришқоқлик ва урдуворликка, кўпроқ билим олишга чорлаши билан қадрли.

«Олтин мевали дарахт» эса ривоят асосида суратга олинган. У ёшларни ҳалол меҳнат қилишга, фақат ўз меҳнати билан кун кўришга ундайди. Мультфильм қаҳрамони Аҳмаднинг саргузаштлари орқали бу гоё яхши очиб берилган. «Аломат қуён» Насриддин Афанди билан боғлиқ латифалар асосида яратилмоқда. Унинг режиссёри Мавзур Махбубов. Муаллифнинг ижодий бисотида Насриддин саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилувчи бир неча мультфильмга дуч келамиз. Ўйлашимизки, катта таърибага эга ижодкорнинг янги асари ҳам муваффақиятли чиқади.

Ҳар йили аниматорларимиз томонидан ўн та мультфильм суратга олинмоқда, — дейди Мавзур Махбубов. — Шундан олтиниси бевосита «Ўзбекфилм» киностудиясида яратилмоқда. Тўрттасига эса «CINEMA MARKET», «KARAVAN CINEMA», «Олтин мейёр» каби хусусий студиялар муаллифлик қилишмоқда. Фильмларимизга мавзу танлаш ва уни жонлантириш-

## «Ўзбекфилм» павилонларида

да яратилган мазкур асар ўзбекона хислатларни тарғиб этгани билан ҳам қадрлидир.



Айни пайтда ижодкорлар янги асар устида иш олиб боришяпти. Асар сценарийси Алишер Навоийнинг «Хамса» достони таркибидаги «Меҳр ва Сухайл» ҳикояти асосида ёзилди. Фильм уч ўлчамли компютер графикаси асосида ишланаётгани билан қизиқарли. Ўттиз дақиқали бу асарни яратишда ижодкорлар икки ва ўлчамли форматлар, видеоланглардан унумли фойдаланишмоқда. Фильмнинг бош расми Жавлон Турдихужаев мультфильми ҳақида шундай деди: — «Меҳр ва Сухайл»ни

яратишда халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми — миниатюра санъатига мурожаат қилдик. Аввало адабий манба билан унинг ҳомонглиги эътиборга молик. Ўйлашимизки, бу томошабинларни бефарқ қолдирмайди. Болажонларимизни Навоий адабий мероси билан таништириш энг асосий вазифамиз. Қолаверса, мультфильмимизни хорихда ҳам намойиш этишни режалаштиряптиз.

Асар воқеалари Навоийнинг меҳр ва садоқат гоёларини ўзида тўла акс эттиради. Одамларнинг бир-бирига самимий меҳр-муҳаббати, садоқати ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга қодирлиги ишонарли тасвирланган. Асарда ҳар бир образ характери мукамал ишлангани билан ажралиб туради. Меҳрнинг ҳаё-ибоси, садоқати, вафоси, Сухайлнинг мард ва танлиги, жасорати, олижаноблиги ишонарли кадрларда очиб берилди. Миллий меросимизнинг замонавий тарзда дунё юзини кўриши, албатта, қувонарлиқдир. Бу каби халқимизнинг барҳаёт ижодий бисоти идрок этиши, уни қайта ишлаган ҳолда оммага тақдим қилиш анча машаққатли, айни пайтда шарафли вазифа.

Болаларимиз онгига салбий таъсир қилаётган Шрек, Микки Маус, этик кий-

Асадила Навиев Ўзбек миллий академик драма театрининг истеъдодли актёрларидан. У «Халлаа», «Увайсий», «Дахшатли қудуқ», «Омон бўлгин, азизим», «Сизсиз ўтмас қуналарим», «Огоҳ бўлинг, одамлар», «Тақдир синовлари», «Кўёшни сен уйғотасан», «Рустам» каби спектакларда ва қатор кинофильмларда турли характердаги образлар яратган. Навбатдаги театр мавсумига қизғин тайёргарлик кўриляётган айни кунларда актёр билан суҳбатлашдик.

— Театр сахнасида роллар ижро эта бошлаганингизга ҳам ўн йилдан ошди. Бу қасб ҳақида актёр бўлмасингиз олдинги тасаввурларингиз ўзгардими?

— Саҳна азалдан актёр учун азиз ва муқаддас даргоҳ бўлиб келган. Қанча-қанча даҳо санъат-

ларни кузатиш. Ўзига хос характерли кишиларни қаерда кўриб қолсам, уларни шовилмай кузатишга ҳаракат қиламан. Кузатувдан кўп нарса олиш мумкин. Бир куни оилам билан машинада кетаётсам, тўсатдан бир киши йўлимга чиқиб қолди. Уни уриб юбо-

## Учрашув

либ кетди. Икки йилдирик, бу спектакл театр репертуаридан мустаҳкам жой эгаллаб келмоқда. Асарнинг муваффақиятида, шубҳасиз, муаллиф Усмон Азим, режиссёр Валижон Умаров, йиғирмадан ортик актёрлар, саҳна ишчиларидан тортиб, овоз ва чироқ усталарининг ҳам хизмати бор. Айниқса, режиссёримизнинг ижодий салоҳияти эътирофга лойиқ. Айнан шу асар билан бутун республикамиз бўйлаб сафарга чиқдик.

Спектаклда бугунги кунда бутун дунёда долзарб бўлиб турган одам савдоси мавзуси таъсирчан очиб берилган. Разулатга қарши курашган Акбар образини яратишда қаҳрамонимизнинг ички кечималарини тўла хис этишимизда Валижон аканинг кўмаги катта бўлди. Репетицияда кўзланган натижага эришишим биров кийин бўлганида, аввал Акбарнинг дардини яна бир қарра яхшилаб тушунтириб, кейин шу кайфиятга мос мусиқа қўйиб юборди. Ана шунда менда ўша кутлган изтироб ўйгонди. Бутунлай Акбарга айлиниб, ўқиб, ўпкам тўлиб-тўлиб йиғламан. Бу қаҳрамон, таъбир жоиз

# САҲНА СУЙГАННИ СУЯДИ

корлар шу саҳнада элга танилганлар. Миллий театримиз саҳнаси улуғлар назари тушган жой. Буни ҳар доим ҳис қилиб тураимиз.

Шуниси ҳам борки, саҳна ўзига садоқатлиларни, фидойиларни ёқтиради. Бир сўз билан айтганда, суйгани суяди, меҳр берганга қадр беради. Саҳна ҳеч қачон хиёнатни кечирмайди. Уйимизга авваллари йўлини топмай, ишлари юришмай қолган бир киши тез-тез келиб турарди. Дадам раҳматли менга: «Бу одам ўз касбига — санъаткорликка хиёнат қилган. Касбини вақтида қадрламагани учун қаттиқ қийинчилик кўряпти. Қайси соҳани танласанг ҳам уни сев. Шунда у ҳам сени севади, ўстиради», деб кўп айттарди. Санъатни, театрни, соҳамни ҳурмат қиламан. Топширилган ҳар қандай ролни сидқидилдан ижро этишга интиламан. Санъат институтини тугатиб бир муддат республика Ёш томошабинлар театрида ишладим. Иш жараёнида ишонч ҳосил қилдимки, актёрлик фақат ўқиё-ўрган билан юзага чиқади, касб эмас экан. Актёр тинимсиз ўз устида ишлаши, турли соҳалардан хабардор бўлиши, бунинг учун эса кўп ўқиши лозим экан.

— Ҳар бир актёрнинг ўз ижод усули бўлади. Сизда ижод жараёни қандай кечади?

— Ролларга ёндашувда, албатта, қаҳрамонимнинг характеридан келиб чиқиб, унинг нимани истайди, нимага интилишини ўрганиб, шунга мос ижрога киришаман. Актёр учун бу борада энг яхши манба — ҳаётни, одам-

ришимга озгина қолганди. Ўша одамнинг юриш-туриши, қарашлари жуда галати эди. Машинани шартта бир четда тўхтаганим, уни кузатишга тушдим. Бил-



сам, у руҳий хаста экан... Унинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари тамомила бошқача эди. Бундай кузатувлар қаҳрамонлар образини яратишда асқотлади, деб ўйламан. Бизга шохдан гадогача образни яратиш вазифаси тушуниш мумкин. Кузатишлар эса бундай пайтда албатта асқотлади.

— Сиз рол ижро этган асарлар орасида «Огоҳ бўлинг, одамлар» спектакли алоҳида муваффақиятга эришди. Бу, албатта, сизнинг ҳам ютуғингиз. Умуман, бу спектакл сизга нима берди?

— Бу асар ҳали сценарий ҳолатидаёқ кўпчиликка маълум келган эди. Премьерадан сўнг мутахассислар ҳам юқори баҳо беришганда кўнглимиз кўтари-

бўлса, мени чархлади.

— Бугун қандай ижодий ишлар билан бандсиз? Келгуси режаларингиз қандай?

— Яқиндагина «Ойкордаги муҳаббат» номли янги фильмда суратга тушиб қайтдим. Айни кунларда баъдий адабиёт мутаалами билан бандман. Таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров асарларини такрор ўқиб чиқдим. Театрларнинг навбатдаги мавсуми очилишига ҳам оз фурсат қолди. Жамоамиз бир неча асарларни саҳналаштиришни режа қилган. Уларда ўзимга муносиб роллар ижро этиш ниятидаман.

**Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА** суҳбатлашди.

## Бошланиши биринчи саҳифада.

Хонандалар Умида Мирҳамидова (Тошкент вилояти), Шаҳзод Хожаклов (Сурхондарё), Алижон Маматқодиров (Навоий) ва Жаҳонгир Турсунов (Қашқадарё) учинчи ўринни эгалладилар. Бир неча иштирокчи вазириликнинг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирланди.

— Танловда муваффақиятли қатнашганимдан хурсандман, — дейди иккинчи ўрин соҳиб Шерзод Ортиқов. — Ватан ҳақида яхши кўшиқ яратиш, уни кўнгилларга етиб борадиган қилиб қуйлаш ҳар бир ёш хонанданинг орзуси. Шоир Маҳмуд Тоир шеъри ва баста-

ҳар бир хонанда Ватан ҳақида дилдан қуйлади, бор имкониятини ишга солиди, ижроси билан томошабин қалбига йўл топишга ҳаракат қилди. Шу маънода Айтбой Тожиев, Нодирбек Тешабоев, Зулхумор Мамарасулзода, Лайло Алимова, Зоя Цой, Азиза Мухаммедова, Сайёра Маматқулова каби хонандаларнинг ижросини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ҳақамлар ҳайъати ҳулосасига кўра профессионал ижрочилар орасида фарғоналик Илхом Иброҳимовга «Бир диёр бор» (О.Ҳақимов шеъри, И.Иброҳимов музикаси) қўшиғи учун биринчи ўрин берилди.

Иккинчи ўринни Тошкент шаҳри-

# «ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИ!»

кор Мусахон Нурматов музикаси билан айтган «Ватан мадҳи» қўшиғим «Ўзбекнаво» эстрада бirlашмаси кўмагида дунёга келди. Профессонал ижодкорлар билан ҳамкорлик яхши самара беришига яна бир бор имоним қомил бўлди. Ватан ҳақида халқимизнинг маънавий мулқига айланган қоландиган қўшиқлар қуйлаш ниятидаман.

8 август куни Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида «Ўзбекнаво» эстрада бirlашмаси тизими бўйича «Яғонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда бirlашманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бўлимида ўтказилган саралаш босқичи голибларидан қирққа яқин хонанда иштирок этди. Иштирокчиларнинг чиқишларини Ўзбекистон санъат арбоби Те Мур Маҳмудов раҳбарлигидаги нуфузли ҳақамлар ҳайъати баҳолаб берди.

Кўрик-танлов қатнашчилари орасида профессионал хонандалар ҳам, ҳаваскор ёш истеъдодлар ҳам бор. Албатта, ижро этилган ҳамма қўшиқнинг савияси ҳақида бирдек ижодий фикр айтиш қийин. Баъзиларда матнда сакатлик сезилса, айрилларининг музикаси матнга муносиб эмас. Лекин, энг муҳими,

дан Зоя Цой («Азиз уйимиз»), учинчи ўринни эса Азиза Мухаммедова («Ўзбек халқим») эгаллади.

Ҳаваскор хонандалар орасида биринчи ўрин фарғоналик Сайёра Маматқулова («Кўзларимга тўтиё») ва тошкентлик «Дурдона» гуруҳига (О.Раҳмонова, Р.Ўқубова, Р.Раҳмонова, Р.Астанова)насиб этди.

Қорақалпоғистонлик Айтбой Тожиев («Муқаддас Ватан») ва Тошкент вилоятидан Лайло Алимова («Қарам бўлмас ўзбек») иккинчи ўринни эгалладилар.

Учинчи ўринга Андижондан Нодирбек Тешабоев («Юртим»), Тошкентдан Мавлудхон Турдиева («Яғонам Ватан»), Жиззаҳдан Зулхумор Мамарасулзода («Ватан қасидаси») сазовор бўлди.

Ўз ижролари билан муҳлислар ва мутахассисларда яхши таассурот қолдирган бир қанча хонандалар рағбатлантирувчи муқофот билан тақдирландилар.

Албатта, танловда ҳамма голиб бўлмади, яхшилардан энг яхшиси танлаб олинмади. Лекин Ватан ҳақида қуйлашнинг ўзи катта бахт. Бундай қўшиқлар ёш авлод қалбига Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилади.

**Г.УМАРОВА**

# КИЧИК РОЛЛАР УСТАСИ ЭДИ

Актёр ўз сийрати ва ички дунёсини яратган образларига муҳрайдди. Мусулмонқул («Ўткан кунлар»), Миллер («Макр ва муҳаббат»), Гўрков («Ҳамлет»), Шокирбой («Фурқат»), Бобо кайфий («Мирзо Улуғбек»), Қози домла («Бой ила хизматчи»), Маймандий («Беруний»), Жўрабой («Кўё»), Абдусалом («Олтин девор»), Комил («Келинлар кўзгалони») каби катта-кичик образларни эслаганимизда марҳум санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Хонтўраевнинг бетакрор сиймоси кўз ўнгимизда намён бўлади.

хотирлайди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Яратган бир образи бошқасига ўхшаб қолмаслиги учун тиним билмай ишланарди. Турғун аканинг ўзига хос нутқ маданияти бўлиб, нутқини образ ички дунёсидан келиб чиқиб туслантира оларди. Агар актёр зиёли инсонни ижро этса, зиёлилардек, оддий халқ вақилини яратса, оддий одамлар каби сўзларди. У кишининг саҳна ортидаги ёқимли ҳазиллари ҳам бўларди. Бир куни «Бой ила хизматчи» спектакли қуйилаётган эди. Актёр Мамадали Содиковнинг тоби

зо исмли япон қаҳрамонини Турғунбой шу қадар ноёб характер, бетакрор актёрлик топилмагани билан бойитиб ижро этгани, қойил қолмасдан илож йўқ. Япон характерини бор бўй-баста билан кўрсатиб бера олган. У партер сифатида ҳам ёнидаги актёрга кўп қулайликлар яратарди. «Нодирбаегим» спектаклида Увайсийни талқин этдим. Саҳнага чиққананда, жуда ҳаяжонланганман. Масхарабоз образини ижро этаётган Турғун Хонтўраев мени бу мураккаб вазиятдан осонгина олиб чиқиб кетганди. У ёнимга келиб: «Ҳаммаси яхши бўлади, ўзингизни қўлга олинг», деб шивирлаб далда берган...



Т.Хонтўраев салбий образларни ҳам қойилмақом ижро этган. Бу жиҳатдан «Беруний» спектаклидаги Маймандий образи диққатга сазовор. Маймандий Маҳмуд Фазнавийнинг вазири. Султон эса Хоразмин забт этиш орзусида. Маймандий ана шу орзунин амалга ошириш ва ўз макеини мустаҳкамлаш учун тиришади. Актёр Маймандийнинг хийлакор қиёфасини ишонарли талқин этди.

«Турғун Хонтўраев характер топишга уста актёр бўлиб, ҳар бир ролига ўзига хос йўсинда ёндашарди, — дея

## Яхшилар ёна

кўриниш беради. Аммо Тиресий ва Эдип ўртасидаги нозик суҳбат спектакл воқеалигида бурилиш ясади. Қўлида асо, кўзи ожиз, дунёнинг оғир-енгилини, жабр-ситамини, фарғату захматини кўрган мўйсифид пайдо бўлганида залга бир дам сукут чўқади. Томошабин диққат-эйтибори унинг қиёфасига, сўзларига қаратиларди.

Турғун Хонтўраев асосан эпизодик ролларни ижро этиш билан шуҳрат қозонди. Ана шу кичик образларни бош роллар даражасига кўтара олди. Негаки у бирор бир рол устида ишлашга чоғланган пайтида ўша қаҳрамоннинг ички дунёсини чуқурроқ, теранроқ тасвирлашга хизмат қиладиган режизит буюмларни, саҳна либосларини ҳам дид билан танлар экан.

Серқирра санъаткор муҳлислари хотирасида комик ролларнинг маҳоратли ижросиси сифатида яхши ўрнашиб қолган. «Олтин девор» спектаклидаги самимий, жайдари Абдусалом, «Кўё»даги жонкуяр, ҳазилкаш дўст Жўрабой образлари ҳамон томошабинлар хотирасида сақланади. «Қиёмат қарз» телевизион спектаклида яратган чойхоначи Гулом образи эса ўзбек отахонларининг типик вақили сифатида ибратлидир.

Санъаткор яратган образлар, ижро этган роллар қолди. Санъат илҳосмандлари қалбига сочиб кетган згзулик зиёси ҳақон нур таратмоқда.

**Лобар ҚОБИЛОВА**

Саломнинг шаклида, ташқи кўри-нишида ҳар бир миладнинг ўзига-гина хос томонлари бўлиши мумкин. Бизда ўнг қўлни чап қўлига қўйиб, тавозе билан саломлашнинг гўзал одоби мавқуд. Шунга қарамай, ай-рим биродарларимиз икки кафтла-рини киндиклари устига қўйиб, эги-либ салом берадилар. Уларнинг бу ҳолати саломга нисбатан рукуга ўхшаб кетади. Киноларда кўрганмиз, ҳукмдор ёки бошқа амалдорлар ҳузур-ида руку нима экан, саждага ҳам берадилар. Салом бировнинг усту-лигини, ўзининг эса пастдастлигини таъкидлаш учун берилмайди.

Шўролар даври, айниқса Брежнев за-монда эркакларнинг эркаклар билан лабини лабга босиб уч мартача ўпиши-ши расм бўлган эди. Брежнев шундай ўпишишни яхши кўрганга учун катта-ки-чик амалдорлар унга тақдид қилардилар. Оқибатда, айниқса зиёлилар орасида бу ҳунук саломлашиш одат бўлиб кетди. Ажабки, бунақа кўришни илҳосманди чорак аср муқаддам ўтиб кетганига қара-май, унинг қилиги ҳамон сақланиб келяпти. Ҳозир кўча-кўйда кўп учратамиз: ай-ниқса қиз-жувонларимиз бир-бирлари билан уч марта ўпишиб кўришадилар.

Баъзи биродарлар бу ҳусудда айтил-са, "Кўпдан бери кўришмаган қариндо-шим билан кучоқлашиб кўришишга ҳаққим йўқми?" деб ранжийди. Биз ҳақи-қатан борми ё йўқми — буни қатъий белгилай-олмаймиз. Бу ҳусудда сўз очишдан мақ-сад — кўришишнигундай усули ҳам-мага ҳам, ҳатто ўша кўпдан бери учра-шамаган қариндошга ҳам ёқармайди. Дейлик, ёзининг иссиқ кунда терлаган одам билан кучоқлашиб, тер оқиб тур-ган юзидан ўпиш кимга ёқар экан? Тер-ламаган тақдирда ҳам хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, турли атирлар сепеди. Сепил-

ган атир, сурилган уша ҳиди бировга ёқар, бировга эса ёқмас. Айниқса, тўй ошидан сўнг тўй эгасини ёки бошқа та-ниш-билишларни кучоқлаб кўришиш каби одатлар чиройли эмас. Бу оддий санитария-гигиена талаблари, тозалик қоидаларига ҳам тўғри келмайди-ку...

Баъзан қайси бир биродаримизнинг имо-ишора билан салом бергани ёки

руччасига айтганда "чест" беришлари-ни салом ўрнига ўтади, деб ўйлашар. Йўқ, азизлар, бу ҳаракатингиз салом ўрнига ўтмайди. Сиз одоб юзасидан аввал салом беринг! Савдо ходимларига ҳам буни эслатиб ўтишни жоиз деб билдик. Баъзан дўконга кирсак, сотувчи шериги билан гаплашиб турган ёки крос-сворд ечаётган бўлади. Кирган харидорга

ўзи дакки ўрнида ўтади. Қўл бериб кўри-шишда эса кичиклар аввал қўл узатиш-дан тийилишлари керак. Агар катта киши қўл узатса, эҳтиром юзасидан кўшқўлаб кўришмоқ афзал. Катта киши қўл узатмаса салом бериш-нинг ўзи кифоя. Ҳол-аҳвол сўраш ҳам ав-вал каттадан лозим. Болалар, ёшлар сал-ом беришганда "Ваалайкум ассалом" дейишдан ташқари яна улар тушунадиган тилда "Баракалла!" ёки "Ота-онангга раҳмат!" ёки "Илоҳим бахтли бўл!" деб кўшимча дуо қилиб, мактаб қўйсак, унинг келажақда янада гўзал ахлоқ эгаси бўлиб етишишига ҳисса қўшган бўламиз.

Хар қандай меҳр-оқибат саломнинг тил-ла занжири билан боғланади. Сукрот ҳақимдан ибратки: "Дўстинга йўлиққан вақ-тингда қулиб, очик юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстлик-нинг бошланғичи мадҳ-сано биландир". Ҳа, дўстлар бир-бирлари билан "ассалому алайкум" ёки сўрашишмаса, саломнинг нима киймати қолади? Биз саломнинг аҳволлар эшигини очувчи сеҳрли калит эканини унутмаслигимиз шарт.

"Салом"нинг маъноси "тинчлик" де-мак. Халқимиз одати "Ассалому алай-кум", дейиш биландир. Салом узилган жойда инсонийлик узилади. Баъзи бир-овлар "Ассалому алайкум", деб тўлиқ айтишга эришиб, "салом" ёки "сало-малайкум" ёки "сомайкум" тарзида ифо-да этадиларки, бу гоят ҳунқудир ва то-вушларнинг бузилиши тескари маъно англатиб қўйиши мумкин. Жамиятнинг фазли, маданий ва маънавий жиҳатдан равақай айнан салом одобининг дара-жаси билан боғлиқ. Шу боис азиз фар-зандларимизни гўдаклик чоғиданоқ шу одоб билан тарбияласак айни муддао бўлади. Шоир айтганидек:

Сахроларда иш беради бўлса хум,  
Соясидан баҳра беради гуҷум.  
Салом бериш бўлар ганнинг қалити,  
Эй яхшилар, ассалому алайкум!

Тоҳир МАЛИК,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## «КўРИШИШНИНГ ҲАМ ОДОБИ БОР»

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2012 йил 3 август, № 31

бош иргаб алик олганига гувоҳ бўламиз. Хадисларда "саломни ошқорга қил", деб бежиз айтилмаган. Кўпинча давраларда салом бериш одоби ҳақида сўз кетса "аввал ким салом бериши керак?" деган савол кўтарилади. Одатга биноан, эркак ва аёл рўпарча келганда биринчи бўлиб аёл салом бериши керак. Бу билан аёл камситилаётгани йўқ. Агар эркак салом берса, гўё аёлни гапга тортишга баҳона излагандай бўлади. Ўрнида айтиш лозим-ки, аёллар билан қўл бериб кўришилмай-ди. Салом ва аликнинг ўзи кифоя.

Кўчада пиёда билан суворий (ҳозир ма-шинадаги одам) учрашиб қолса пиёдага отда ўтирган одам салом беради. Чунки пиёда олдин салом берса, бу саломдан мақсад замирида "Тўхтаг, мени ҳам ола кетинг", деган таъма бўлиши мумкин. Бир киши кўпчилик орасига кирганда бир мар-та салом беради, ҳар бир одамга алоҳи-да-алоҳида салом бериши шарт эмас. Улардан бири алик олса кифоя. Агар ҳам-малари алик олишса савоб бўлади.

Кўчадаги ҳаракатни назорат қилувчи милиция ходимлари машинани тўхтатган онларидо ўзларини таништирадilar, ҳўж-жатни талаб қиладilar-у, ҳайдовчига са-лом беришни унутиб қўядilar. Эҳтиمول панжаларини чаккаларига олиб келиш-ла-



бир қараб қўядi-у, ўз юмуши билан банд бўлаверадilар. Агар сотувчи савдо билан банд бўлса ҳам кириб келган харидорга салом берса, нур аланур бўлади.

Бизнинг одобимизга кўра кичиклар кат-таларга салом берадилар. Лекин кичик-лар баъзан болаликларига бориб ё бирон нарсага чалғиб, салом беришни унут-шлари мумкин. Шунда катталар уларни дарров урушмай салом берсалар, шунинг

## "ГўЗАЛИКНИНГ БОҚИЙ УМРИ"

Бухоролик тажрибали меъмор Исмат Мухсинов кизи Меҳринисо Мухсинова билан ҳамкорликда кўҳна ва боқий Бухоронинг кўрку салобати бўлган қадимий обидаларнинг қурилиши ҳамда таъмирла-ниш жараёни, бу жараён-нинг ўзига хос тарихи, ай-рим далилий ҳужжатлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Гўзалликнинг боқий умри" китобини ўқувчилар эъти-борига ҳавола қилиб, хай-рли ишга қўл урди.

Бухоро обидаларининг эски ва янги даврдаги ҳолатини қисқис эа эттир-ган бу расми альбом-ки-тоб китобонлар қалбида муаззам обидаларимиз билан фахрланиш, улуг аждо-ларимиз бунёдкорлигидан завқланиш, уларни асраб-авайлаш ҳиссини уйғотиши билан таҳсинга сазовор. Ху-сусан, китобда қатагон ша-молларидан эсон-омон ас-раб қолинган айрим ноёб

суратларнинг берил-гани алоҳида эъти-борга молик. 1920 йили шўро муста-бидлари Бухорони эгаллаш учун шаҳар-ни беомон тўпга ту-тиши натижасида кўпгина тарихий осори атиқалари-миз шикастлангани, йўқ бўлиб кетганидан гувоҳлик берувчи айрим фотосурат-лар ўқувчини бефарқ қол-дирмайди. Шундай бебаҳо моддий қадриятларимиздан бири, Бухоронинг рамзи бўлган Минора Калоннинг 1920, 1925, 1980 ва истик-лол йилларидаги кўрини-шини, вайрон этилганиу таъмирланиш жараёнини акс эттирувчи ҳамда Бух-ородаги бошқа миноралар, ўш икки дарвоза суратлар ишбу китобда биринчи мар-та берилётганини таъкид-лаш лозим.

Китобда Файзиобод хона-қоси, Минораи Калон, Чор-бақр ансамбли, Фозиён мад-



расаси, Мирзо Охунд Мулло Ус-мон масжиди, Бу-хоро ҳовузлари номлари, ўрни, сув таъминотида-ги мавқеи, ҳам-момлари ва улар-нинг меъморий тарҳи дарвозала-ри ҳамда улар-нинг тарихи тўғрисида фикр юритилган. Китоб сўнггида меъморчи-ликка доир айрим сўзлар-нинг қисқача изоҳи ҳам берилган.

Мазкур кит-об ёш авлод-га моддий қад-риятларимиз моҳиятини, ўтмиш ва ҳозирги мадания-тимиз тарихини чуқур сингди-ришда муҳим қўлланма сифа-тида қимматлидир. Қолавер-са, муаллиф таъкидлагани-дек: "Бухоро архитектурасида тарихнинг ўқилмаган саҳифа-лари бехисоб". "Гўзалликнинг боқий умри" китоби эса шу йўлдаги уришиларга илҳом бағишлашга шубҳа йўқ.

Охунжон САФАРОВ,  
Дармоний ҲАЕВА.

## "ҒАРБ ВА ШАРҚ ИЖТИМОИЙ ТАФАККУРИДА ЭРКИНЛИК ҒОЯСИ ТАКОМИДИ"

Шарқ донишмандлиги ҳамisha эзгулик ғояларидан куч олган, шу умуминсоний мақсадларга хизмат қилиб кел-ган. Эзгуликнинг бош мезони, тамойили эса аввало эр-кинлик тушунчаси билан муштаракдир.

"Академия" нашриётида чоп этилган фалсафа фанла-ри номзоди, таржимон Баҳодир Умаровнинг "Ғарб ва Шарқ ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси тақомили" асари ижтимоий ҳаёт ва тафаккур тадқиқи, унинг тадри-жга бағишланган жиддий уриши ҳосиласидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузур-идаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштириши ривожлантириш қўмитасининг "Шарқ ва Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси тақомили: муштараклик ва ўзига хослик" грант лойиҳаси доирасида чоп этилган бу китоб маз-кур лойиҳанинг иккинчи нашридир. Ушбу тадқиқотда Шарқ иж-тимоий тафаккури тараққиётнинг турли босқичларида Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида ифодаланган эр-кинлик ғояси, инсон эрки ва ҳақ-ҳуқуқлари, адолатли давлат ва маърифат-ли жамият барпо этиш борасидаги қарашлари, мустақиллик йилларида Пре-зидент Ислам Каримовнинг давлат ва жамият ҳаётини либераллаштириш концепциясининг мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритилди. Китоб мун-дарижаси Шарқ мамлакатларида либерализм таълимнинг вужудга келиши, унинг асосий ғоя ва тамойилларини амалиётга таъбиқ этиш мезон ва ёнда-шувларининг атрофича баъни билан янада бойиган. Бундан ташқари, ки-тобга илова тарзида Шарқ мумтоз донишмандларининг фалсафий ҳулосала-ри, ўғит ва фикрлари берилгани китобнинг ўқушлилигини оширган. Масьул муҳаррир филология фанлари доктори Нажиддин Комилов, му-ҳаррир М. Абдуллаева.



Саида САФОЕВА

## Ориф Тўхташ Софинч

Кўнглим тоғдай кўтариб,  
Варрагим баянд учди.  
Уни кўкдан ахтариб,  
Бошимдан дўппим тушди.

Кувноқ шамол курмагур,  
Бонлагани узоқда.  
Сўнг қочиб қолди ўхшаб —  
Ипин узган бузоқда.

## Ўзам Ҳақиман

Балки сизлар томонда,  
Кўриб қолсангиз агар,  
Ўртоқларим, илтимос,  
Менга беринглар хабар.

Кимки топса биринчи,  
Ўшаники суюнчи!

Ёлгон демагн, жўралар,  
Каминанинг сўзини,  
Суюнчига оласиз —  
Варрагимнинг ўзини!

## Ёшлар ижод саройида 12 август — Халқаро ёшлар кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати фо-руми" жамғармаси, "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази, БМТнинг Аҳолишу-нослик фонди ҳамкорлигида ташкил этил-ган тадбирга турли танловлар, ижо-дий лойиҳалар, грант дастурлари қолиблари тақлиф этилди.

Президентимиз Ислам Қари-мов раҳнамоллигида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш масаласи-га давлат сиёсатининг муҳим йўна-лишларидан бири сифатида алоҳи-да эътибор қаратишмоқда. Замон та-лаблари асосида барпо этилган таъ-лим муассасалари, болалар ижоди-ёти марказлари, спорт мажмуалари ёшлар ижодий-интеллектуал савия-сини юксалтириш, уларни руҳий ва жисмоний чиниқтиришга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати фо-руми" жамғармаси томонидан амал-га ошириляётган лойиҳалар ҳам ёшлар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иқтисодини кашф этиш, фаолиятини

## Дониш Ҳамроҳ

Кенг жамоатчиликка таништириш, истеъ-дод эгаларини қўлаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Тадбирда йиғилганларга ушбу кенг қўламли лойиҳалар ҳақида атрофли-

## Иқтидорли Ёшлар Мамлакатати

ча маълумот берилди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг ўз қоби-лятини юзага чиқариши, ҳаётда ўз ўрни-ни топиши учун барча шароитлар яратил-моқда, — дейди «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоли Феруза Алиқулова. — Бу биз, ёшларни астой-дил изланиш, келажаққа ишонч билан ҳаракат қилишга ундайди. Мен бугун бу ерга йиғилган ука-сингилларимнинг кўзларидо ана шундай ишонч ва қатъ-иятни кўрдим. Келгусида уларнинг ўз касбининг устаси, Ватанимизнинг муно-сиб фарзандлари бўлиб етишишига аминман.

Тадбирда турли соҳаларда муваффа-қиятларга эришяётган йигит-қизларга совғалар топширилди. Санъат усталари иштирокида концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА МУҲБИРИ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ҲОМИИ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВИЧ"  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибият — 233-49-93

Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42

Санъат бўлими: 236-56-48  
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош  
муҳаррир  
Саъдулла  
ҲАКИМ

Тасхириятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.  
Муаллифлар фикри тахрирлат натижасидан фарқланishi мумкин.  
Масьул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМОНОВА  
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Босмахона назароти: Ўзбек Турон йўчаси, 41 ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4826. Буручма Ғ — 844. Ҳақини — 3 босма табоқ А-2. Нашр қилувчиси — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

## ПОМИДОР ШИФОСИ ВА УНИ ҚОҚЛАБ САҚЛАШ

Помидор таркибидо аскорбин кислотаси, темир ва каротин кўп. У тўйимли бўлиш билан бирга, калорияс паст неъмат ҳисобланади. Унда бириктирувчи тўқималар деярли йўқ. Шунинг учун, оғират ҳаами билан боғлиқ хасталикларда помидор фойдаландир. Калийга бойлиги туфайли юракни ҳам бақувват қилади. Ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар учун эса помидор ва унинг шарбати, айниқса, шифобахш.

Одамлар қадимдан олма, ўрик, олхўри, шафтоли, нок ва узум каби помидорни ҳам қуз-киш ойлари учун қоқлаб сақлашга одатланишган. Гап шундаки, таркибидо шакари кўп бўлган неъматларни қуритиб эмас, қоқлаб сақлаш мақсадга мувофиқ. Негаки, таркиби қандга бой неъматлар сувни ўзида сақлаб қолади, ҳатто ҳаводан-да намлики олади. Шунинг учун бу мевалар қуруқ ҳолида ҳам наон тортиши мумкин. Мева ҳаддан ортки қуритиб юборилса, қотиб-синади, қоқлангани эса нисбатан майин ва эгилувчан бўлади.

Ёз неъматларини қоқлаб олишининг кенг тарқалган усули офтобда қуритиш. Ҳозир бу жараёни микротўқинли пецларда амалга ошириш ҳам урф бўлмоқда. Бизнинг иссиқ иклимли минтақамизда сабзавот ва меваларни тунука том ёки патнисларда қоқлаш мумкин. Бунинг учун уларга мато тўшалиб, чивин ва пашшадан ҳимоялаш учун устига доқа ёпиб қўйилади. Шудринг тушиш эҳтимоли бўлган тоғли жойларда эса, кечалари қуритилаётган неъмат устига плёнка ёки брезент ташланади. Иссиқ ҳарорат етарли бўлганда сабзавот ва меваларни айнан шу усулда қоқлаб олиш учун 3-4 кун кифоя.

Сабзавот ва меваларни қиш ва баҳор ойлари учун ғамлашиш энг қўҳна усулларидан яна бири уларни печ устида қуритишдир. Бунинг учун пецлар 50-90 даража қиздирилади. Ҳарорат бундан паст бўлса, қуритиш жараёни секин кечеди ва ширали хомашё сифатини йўқотиши мумкин. Ҳарорат ўта юқори бўлганда эса, қуритилаётган неъматлар қуяди.

Аваллари ноз-неъматларни қуритиш ва қоқлаш учун пецда нон пишириб олинган, яъни ҳарорат бироз тушгач қўйилган. Неъматлар бутун туни билан пецда сақланиб, эрта таб таёёр маҳсулот сифатида олинган. Ҳозир бундай пецлар деярли йўқ. Шунинг учун оддий духовадан фойдаланса ҳам бўлади. Фақат ҳарорат ошиб кетмаслиги учун унинг эшикчасини таҳминан бир-икки бармоқ бўғини оралмида очиб қўйиш керак. Қуритиш жараёни хомашёнинг намлиги ва ҳароратга қараб уч соатдан сақини соатга давом этади.

Қуритиш ва қоқлашда электр иситтичлар ҳам қўлай. Бирок ҳавфсизлики таъминлаш учун қуритиладиган неъматлар қўйиладиган жойларнинг ҳар икки тарафидан, албатта, ҳаво ўтиб туриши керак. Иситтичларни пол ёки столга қўймаслик керак. Акс ҳолда, иситтич қўйиши ёки ёнғин чиқиши мумкин. Ювиниш хоналаридаги кир қуритиладиган қувурларга осиб қуритса ҳам бўлади. Бунда уларни ипга тизиб олиш жоиз. Ҳозир шу мақсадларга мўлжалланган турли электр қуриттичлар ҳам чиқарилмоқда.

Амалда барча сабзавотларни қуритиш мумкин, ҳатто қартошкани ҳам. Шўрвага солинадиган барча неъматларни олдиндан қуритиб, қоқлаб пишириш олдиндан сувга солиб намлаш ва пишатган таомга солиб қайнатиш кифоя. Мева-сабзавотлар қуритилаётганда уларнинг тағига ёпишмайдиган мато тўшаш мақсадга мувофиқ, қроғоз ёпишиб қолиши мумкин. Бунда ёпишмайдиган маҳсул қорғозлардан ҳам фойдаланса бўлади.

Қуритиш, қоқлаш учун помидорнинг барча навлиридан фойдаланиш мумкин. Олхўрига ўхшаш "гўшт"ли помидор эса, айниқса, қўлай. Бунинг учун уларни паррак ҳолида, ярим олмага ўхшатиб кесиб, кесилган томонини юқори қаратиб ёлганган патнисга қўйиш керак. Помидорнинг кесилган томонлари ҳам ёлганда, сўнг туз ва таъбага кўра туйилган зирavor ўтлар сепилади. Ўт-ғиёҳлар олдиндан тайёрлаб қўйилади, албатта. Қоқлаш учун тайёрланган помидорни офтоб ёки шамол эсиб турадиган соя жойда қуригунча сақлаш мумкин. Ҳарорати ўш даражагача бўлган духовада қуритилганда эса, 3-4 соат кифоя. Помидор ҳаддан зиёд қуритиб юборилмасдан, намроқ ҳолда олиниши керак. Шундан сўнг узок вақт сақлаш учун қокланган помидорни иссиқ ҳолида стерилизация қилинган банкаларга жойлаб, устидан иссиқ ўсимлик ёғи қўйилади ва ҳаво кирмайдиган қилиб қопқокланади. Офтобда ва соя жойда яхшилаб қоқланган помидорларни қалампирга ўхшатиб ипга тизиб, доқа билан ўраган ҳолда ошхонага осиб қўйиш ҳам бўлади.

Помидор тулпал эмас, дарахтдай шохлаб ўсадиган Италия, Испания, Бразилия ва Греция оролларида унинг ҳосили ҳаддан орткик қўп бўлади. Ҳосил исроф бўлиб кетмаслиги учун бу мамлакатларда помидорни икки бўлак қилиб кесиб, офтобда қуритишда ва зайтун ёғи солинган идишларда зираворлар ёки (таъбага кўра) саримсоқ пизё қўшиб, консерваланди.

Помидорни тез қоқлаб олиш учун эса, яхшилаб ювилган, катта-кичкилигига қараб икки ёки тўрт бўлак қилиб кесилади. Шундан сўнг орткича шарбати, уруғлари, оралиқ деворчалари қошиқча билан олинади. Шундай қилинса, помидорни қоқлаш вақти икки баробарга қисқаради. Патнисга пергамент қоғоз тўшалиб, зайтун ёғи билан ёлганда ва помидорнинг кесилган томони юқорига қаратиб терилади. Устидан туз ва зираворлар сепилади. Янги саримсоқ бўлса, паррак-паррак қилиб тўғрилади, помидорнинг устига қўйилади. Агар саримсоқ помидорнинг ёнига тушиб қолса қоқлаш жараёнида қуяди. Эшиги қия очик ҳолда қўйилган духовада 100, 120 ёки 150 даражали ҳароратда 4-5 соат сақланган помидор сифатли қоқланади. Духовка ўчирилгандан сўнг ҳам помидор унинг ичида бироз туриши керак. Қоқлаш жараёнида вақти-вақти билан олови пасаитирилиб, қуйдириб юбормасликка ҳаракат қилинади. Аэрогрил ва электр қуриттичда қуритилганда ҳам шу жараёнларга эътиборли бўлиш талаб этилади. Агар санччи билан босиб қўрилганда суюқлик ажралмаса, қоқланиш охирига етган бўлади. Тайёр бўлган неъмат тоза банкаларга солиниб, устидан зайтун ёғи қўйилган ҳолда қопқокланади ва музхоналарда сақланади.

Шундай усулларда қоқлаб, қуритиб олинган помидорни йил бўйи истаган пайтда таомга солиш, ундан салатлар тайёрлаш мумкин. Чунки таркибидоги шифобахш дармондорилар яхши сақланган бўлади.

Интернет хабарларидан.

Маданият ва спорт ишлари вазириликми "Ўзбектеатри" ижодий-шлаб чиқариш бирлашмаси Андижон вилоят мусикали драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Баҳодир МАМАТХОНОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик изҳор этади.

ЖУМА КУНАЛАРИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВДА НАРХИ  
ЭРКИН

ISSN 2383-614X

